Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat`iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 2015-yil 17-sentyabr, payshanba, **38 (618)-son** | e-mail: **xxi_asr@umail.uz**, web sayt: **www.21asr.uz**

# ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ САМАРАЛАРИ НАМОЙИШИ

**«Ўзэкспомарказ»да «UzEnergyExpo-2015» энергетика, энергияни тежаш, ёритиш, электротехника ҳамда «UzStroyExpo-2015» қурилиш, иситиш, вентиляция, қувурлар ва фитинглар халқаро кўргазмалари иш бошлади**

Тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, «Ўзбекэнерго», «Ўзқурилишматериаллари», «Ўзмахсусмонтажқурилиш» акциядорлик жамиятлари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Энергетика ва автоматика институти, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «IEG Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазмаларда Ўзбекистон, Беларусь, Германия, Италия, Эрон, Хитой, Жанубий Корея, Россия, Туркия, Украина компаниялари иштирок этмоқда.

Кўргазмаларнинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда барча соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар иқтисодиётнинг кўплаб тармоқлари, жумладан, энергетика ва қурилиш саноатини жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Мамлакатимизда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги қувватларни ишга тушириш борасида катта ютуқларга эришилмоқда. Энергия тежаш, ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, энергия ишлаб чиқаришда янги технологияларни жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Шамол, қуёш, гидроэнергетика каби тикланадиган энергия манбалари ривожини ва қуёш-иссиқлик электростанцияларини жорий қилиш борасида инвестиция дастурлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жорий йил 4 мартдаги «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармонига мувофиқ «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти томонидан 2019 йилгача умумий қиймати 3,2 миллиард доллардан ортиқ 13 инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган. Ресурс тежамкор буғ-газ қурилмалар ва қуёш энергиясидан фойдаланишнинг замонавий, синалган технологияларини кенг жорий этиш асосида мавжуд қувватларни модернизациялаш, янгиларини барпо этиш бўйича лойиҳалар шулар жумласидандир.

«UzEnergyExpo-2015» кўргазмасида паст ва юқори вольтли ускуналар, кабеллар, изоляторлар, трансформаторлар, электр-монтаж жиҳозлари, ёритгичлар, ёруғлик ўлчаш асбоблари, замонавий транспорт технологиялари, ҳимоя воситалари, назорат тизимлари ва техник хизмат кўрсатишга оид кўплаб маҳсулотлар намойиш этилмоқда. «Sendrilion», «High Light Technology», «Hi-Tech Kabel», «Metal-Polymer Technologies», «TOJDOR ZAMIN» сингари компаниялар томонидан электр генераторлари, мобиль электр станциялар, оптик толали кабеллар, полимер изоляторлари, электр истеъмолини масофадан назорат қилиш ва ҳисобга олиш тизимлари, энергия тежамкор технологиялар намойиш этилмоқда.

— Мамлакатимиз иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий ҳаётида энергияни тежайдиган технологиялар ва тизимларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди «Vico» корхонаси маркетинг бўйича директори Дониёр Раҳимов. — Корхонамиз энергия тежовчи LED русумли лампаларни ишлаб чиқаришни янада кенгайтирмоқда. Ҳозирги вақтда маҳсулотларимизнинг 70 фоизини шу турдаги лампалар ташкил этиб, улар хорижга экспорт ҳам қилинмоқда.

Ярмаркада «AKSA Jenerator San. A.S.» (Туркия), «STARPOWER S.r.l.» (Италия), «TELLHOW» (Хитой) компаниялари бензин, дизель, газ, электр генераторлари, мобиль электр станцияларининг кенг ассортименти билан иштирок этаётган бўлса, қувват узатиш ва печли трансформаторлар учун алмашиб уланадиган қурилмалар ва бошқа боғламаларни ишлаб чиқариш бўйича дунёда пешқадам MR компаниялари гуруҳи (Германия) трансформаторларни модернизациялашда зарур бўлган эҳтиёт қисмларни намойиш этмоқда.

— Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланмоқда, — дейди MR компаниялари гуруҳи вакили Вадим Гонтарёв. — Буни мазкур халқаро кўргазмаларда намойиш қилинаётган маҳсулотлар, таклиф этилаётган хизматлар сифати юқорилиги ва турининг кўплигидан ҳам кўриш мумкин. Бу Президент Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона иқтисодий сиёсат самарасидир. Шу боис мамлакатимиздаги кўплаб компаниялар Ўзбекистон ишбилармонлари билан изчил ҳамкорлик ўрнатмоқда. Ушбу тадбир ўзбекистонлик шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш, янги шартномалар тузиш имконини бераётганидан мамнунмиз.

Мамлакатимиз қурилиш саноатида барқарор ўсиш суръатлари қайд этилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида саноат корхоналари томонидан 2,11 триллион сўмлик қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,3 фоизга кўпдир.

«UzStroyExpo-2015» кўргазмасида иштирок этаётган ишлаб чиқарувчилар сафи янада ортгани билан эътиборга лойиқ. Эроннинг «Towzingar», Жанубий Кореянинг «Navien Energy», «Kiturami» компаниялари стендлари ташриф буюрувчиларда қизиқиш уйғотмоқда.

Мазкур кўргазмалар юртимиз корхоналари учун ўз маҳсулотини саноат соҳалари мутахассисларининг кенг доирасига ва истеъмолчига тақдим этишда қулай имкониятлар яратса, хорижий компанияларнинг иштироки мамлакатимизга юқори технологик ускуналарни жалб этишга хизмат қилади.

**(ЎзА)**



Солиҳ ЗОИР олган суратлар

# O`zLiDeP фракцияси

## Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил биринчи ярмидаги ижросини маъқуллади

Мазкур масала муҳокамасига бағишланган йиғилишда молия вазири ўринбосари Мубин Мирзаев фракция аъзоларига батафсил ахборот берди. Шунингдек, Давлат солиқ ва Давлат божхона қўмиталари мутасаддилари депутатларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтаришди.

Қайд этилганидек, давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 16 январида бўлиб ўтган ҳукумат мажлисида белгилаб берилган 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳисобот даврида асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий ўсиш суръатларини сақлаш, иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларини янада ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди. Мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжатининг биринчи ярим йилликдаги ижроси Олий Мажлис ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан тасдиқланган параметрлар, Бюджет кодекси талабларига мувофиқ амалга оширилди.

2

## МАЪРИФАТ МАСКАНЛАРИ ЖОЗИБАСИ

**Истиқлол байрами нишонланаётган кунларда Самарқанд вилоятида икки юзга яқин янги иншоот фойдаланишга топширилди. Жумладан, Пастдарғом тумани Гўзалкент қўрғонида «Ёшлик боғи»нинг бунёд этилиши маҳаллий аҳолининг кўнглидаги иш бўлди. Истироҳат масканининг умумий майдони 2,5 гектар. Мутахассисларнинг маълум қилишича, боғда 1200 туп манзарали дарахт бор. Махсус ёритиш тизими туфайли серфайз гўша тунда ҳам бетакрор қиёфа касб этмоқда. Амфитеатрни айтмайсизми... Шунингдек, мазкур тумандаги 81-умумтаълим мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилиши ўғил-қизлар учун ўзига хос туҳфа бўлди. Зеро, икки ярим миллиард сўм маблағ сарфланган янги бинода ёруғ ва шинам синфлардан ташқари замонавий жиҳозланган лаборатория хоналари, кутубхона, ошхона, фаоллар ва спорт заллари мавжуд.**

ЭЛЕКТОРАТ ШУКРОНАСИ

# «Ҳар тонг боғ оралаб юрар эканман...»

**Қишлоқда туғилганман. Ота-онам бир умр боғдорчилик соҳасида меҳнат қилишган. Дам олиш ва ёзги таътил кунларимиз албатта далада ўтарди. Болалигимиздан ноз-неъматларни етиштирувчи инсонларга ҳурмат, ерга меҳр билан ўсдик. Мен ўқиш ва ҳарбий хизматдан сўнг 30 йил давомида боғдорчилик бригадасини бошқардим**

Лекин... Ўша пайтларда «Буни қаердан олдинг?», деб сўраб келувчиларсиз ўтган ҳар бир кунимиздан хурсанд эдик. Замонавий машина миниш, данғиллама уй қуриш у ёқда турсин, қишнинг узун тунларида уйимизнинг томи шифер бўлишини орзу қилардик...

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ёшликдаги орзу-умидларимиз ижобати учун кенг йўл очилди. Тадбиркорларга катта имкониятлар яратилди. Хусусий мулк ва мулкдорлар синфи вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ва қарорлар қабул қилинди. Фермерлик ҳаракати қулоч ёйди. Яратганга шукур, кўплар қаторида мен ҳам заминдор — фермер бўлдим. Дастлаб, 2004 йилда «Назирбек Мирзоҳид Носир» фермер хўжалигини ташкил этиб, 2,7 гектар ерда ғалла ва пахта етиштирдик. Секин-секин Шрейдер номидаги боғдорчилик-узумчилик институтининг Самарқанд филиалидан ток ва олманинг «ҳусайни», «тойфи», «қора кишмиш», «оқ кишмиш», «кори», «делишес», «семеренко» сингари навларидан узумзор ҳамда боғ яратдик. Ер майдонларимиз айни кунда 17,4 гектарга етди. Оила аъзоларим билан ушбу майдоннинг 2 гектарида олмазор боғ, 0,7 гектарида узумзор барпо қилдик. Қолган қисмида эса 10 нафар пудратчи оиласи мўл ҳосил етиштириш йўлида меҳнат қилади. Имкони бор жойларда қатор ораларига сабзавот ва полиз маҳсулотлари, чорва учун озуқабоп экинлар экамиз. Асосий даромадимиздан ташқари, оиламизда 10-15 бош қорамол, 15-20 тагача қўй, 60-100 чоғли парранда боқилади. Рўзғор учун керакли маҳсулотнинг деярли барчаси ўзимизнинг томорқада чиқади. Меҳнатимиз маҳсулидан қувонамиз. Даромадларимиз ҳисобидан тўйлар қиляпмиз. Тўрт нафар фарзандимнинг бири магистратура, иккинчиси бакалавр йўналиши бўйича институтни, икки нафари эса коллежни тугатди. Орзуларимиздагидек уйлар қурдик.

Мана, икки йилдирки, фермер хўжалигимизни коллежни битирган ўғлим Мирзоҳиджон бошқаряпти. Ўзим нафақага чиққан бўлсам-да уларга йўл-йўриқ кўрсатаман. Маслаҳат бераман. Ўтган йили ҳосилимиз янада баракали бўлди. Шарбат ишлаб чиқариш корхонасига юз тоннадан зиёд узум топширдик. Олмазорларимиз ҳосилдорлиги гектаридан қарийб 150 центнерга етди. Харажатлардан ортган маблағларимиз ҳисобига «Ласетти» русумли замонавий енгил автомашина сотиб олдик.

Хулоса қилиб айтганда, жаннатмакон юртимизнинг замини олтинга тенг. Халқимизнинг «Сен ерни тўйдирсанг, ер элни боқади», деган ибратли гапига амал қилиб, асло кам бўлмадик. Жорий йилда қатор ораларига ишлов бериш ҳамда қўшни фермерларга техника хизмати кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида мини трактор харид қилишни, асосан қишки нав олма етиштиришимиз сабаб, табиий усулда мева сақлаш омборхонаси қуришни ният қилиб турибмиз. Бу ҳам ўз навбатида даромадларимизни ошириш, қўшимча иш ўринлари ташкил қилиш имконини беради.

Ҳар тонг боғ оралаб юрар эканман, озод ва обод Ватанимизга кўз тегмаслигини, барча эзгу амалларнинг бошида турган Президентимизнинг умрларини узоқ қилишлигини Яратгандан сўрайман. Энг асосийси, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо эканлигидан беҳад шодланаман, шукрона келтираман.

**Носир АСЛОНОВ,**
**Қизилтепа тумани.**

## БУГУНГИ СОНДА:

ИСЛОҲОТ
«Мустақиллик туфайли мулкдор бўлдим»
3



ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАР
Фермерлар – иқтисодиётимиз устуни
4



ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА
Жамоатчилик назорати қуйи тузилмалардан бошланади
5



ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ
Миллий бизнеснинг ўзига хос шакли
7



**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 8 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)**

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1846,68 | 1 АҚШ доллари | 2610,89 | 1 Хитой юани | 409,89 | 1 Польша злотийси | 704,62 | 1 ЕВРО | 2932,92 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4030,95 | 1 Миср фунти | 333,45 | 1 Россия рубли | 38,39 | 1 СДР | 3676,52 | 10 Жанубий Корея вони | 22,07 |
| 1 Дания кронаси | 397,19 | 1 Исландия кронаси | 20,62 | 1 Украина гривнаси | 120,32 | 1 Туркия лираси | 858,31 | 10 Япония иенаси | 217,12 |
| 1 БАА дирҳами | 710,95 | 1 Канада доллари | 1971,38 | 1 Малайзия ринггити | 605,35 | 1 Швейцария франки | 2698,04 | | |

# O`zLiDeP фракцияси

## Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил биринчи ярмидаги ижросини маъқуллади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

— Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган мазкур ҳисоботни ўрганиш давомида ялпи ички маҳсулот ҳажми 8,1 фоиз ўсиб, инфляция даражаси прогноз параметрлардан ошмагани маълум бўлди, — дейди **O`zLiDeP фракцияси аъзоси Абдуқодир Тошқулов.** — Бунда макроиқтисодий барқарорликнинг янада мустаҳкамланиши ташқи савдо айланмасининг 83,4 млн. АҚШ доллари миқдоридаги ижобий сальдосида ўз ифодасини топган. Иқтисодий ўсиш саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8,1 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ҳажми 6,5 фоиз, чакана савдо айланмаси 14,8 фоизга кўпайиши эвазига таъминланган. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан ижро этилгани эътиборга молик.

Фракция аъзоларининг фикрича, аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларини ҳал этиш бўйича амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар туфайли 2015 йилнинг биринчи ярмида 441 мингтадан ортиқ, жумладан, қишлоқ жойларда 275 мингга яқин янги иш ўрни яратилган. Муҳими шундаки, бу кўрсаткичларда партия электорати бўлган кичик бизнес субъекти вакилларининг муносиб ҳиссаси бор.

— Муҳокамалар чоғида Давлат бюджетининг харажат қисмида асосий эътибор унинг ижтимоий йўналтирилганлигига қаратилганлиги эътироф этилди, — дейди **O`zLiDeP фракцияси аъзоси Мавлуда Ходжаева.** — Бу эса таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бюджетдан маблағ олувчиларнинг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар ҳамда биринчи даражали тўловларни ўз вақтида молиялаштириш, бюджет маблағларининг ғазна ижросини таъминлаш, уларнинг самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлди.

Мамлакатимиз иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш, саноат тармоқларини модернизациялаш, ташқи бозорда харидоргир бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш борасидаги чора-тадбирлар натижасида ҳисобот даврида мамлакатимизда 493 та янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилиб, улар томонидан 485 млн. доллар миқдоридаги маҳсулот хорижга сотилди. Шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар туфайли мамлакатимизда олти ой давомида 585 турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги, 7,5 мингдан зиёд хизмат кўрсатиш ва сервис объекти ташкил этилганлиги муҳим аҳамият касб этди.

Фракция аъзолари таъкидлаганидек, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг ўрта муддатли тасдиқланган дастурларини амалга оширишни тезлаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган инвестициявий иқлим ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалда жорий этиш, мамлакат экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, пировардида мамлакат аҳолисининг иш билан бандлиги ва даромадларининг ўсишига эришиш Ўзбекистон иқтисодиётининг янада барқарор ривожланишини таъминлашнинг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Юқоридагилар билан бир қаторда ҳисобот даврида айрим бюджет муассасаларида маблағларнинг мақсадсиз сарфланиши, уларнинг ноқонуний ишлатилиши билан боғлиқ молиявий ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилаётганлиги, шунингдек, баъзи тармоқларда тўлов интизомига риоя этилмаётганлиги оқибатида дебиторлик ва кредиторлик, айниқса, бюджет олдидаги боқиманда қарздорликларнинг мавжудлиги муҳокамалар чоғида депутатлар томонидан кўрсатиб ўтилди. Бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ҳамда жойларда қонунлар ижросини тўлиқ таъминлаш бўйича амалий таклифлар баён этилди.

Йиғилиш якунида O`zLiDeP фракцияси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2015 йилнинг I ярмидаги ижроси юзасидан тайёрланган ҳисоботни маъқуллаш ҳақида тегишли қарор қабул қилди.



**Зафар ХАНИЯЗОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O`zLiDeP фракцияси аъзоси

**Президентимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида мамлакатимиз ер юзидаги энг тез суръатлар билан ривожланаётган давлатлар орасида бугун бешинчи ўринни эгаллагани ва сўнгги ўн бир йил давомида ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш ҳажми 8 фоиздан юқори бўлиб келаётганининг ўзи барчанинг ҳаваси ва ҳайратини уйғотиши табиийлигини алоҳида таъкидладилар.**

**Бунинг асосида чуқур ва пухта ўйланган, машҳур беш тамойилга асосланган «ўзбек модели» турганлиги бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинмоқда. Юксак эътироф замирида эса аниқ кўрсаткичлар мужассам экани ҳеч кимга сир эмас. Мисол учун, 2015 йилнинг I ярмида иқтисодиётга Давлат бюджетидан 1 684,7 млрд. сўм ёки 2014 йилнинг мос даврига нисбатан 17,7 фоиз кўп маблағ сарфланганини олайлик. Шундан 1 139,8 млрд. сўми қишлоқ ва сув хўжалигини қўллаб-қувватлаш, 131,9 млрд. сўми геология-қидирув ишларига йўналтирилган.**

**Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг даромадлари прогнозга нисбатан 99,5 фоиз, яъни 144,2 млрд. сўмни ташкил этди. Бу борадаги тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши натижасида 284,4 минг гектардан зиёд майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши кутилмоқда.**

**Умуман, Юртбошимизнинг мамлакатни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари, ўз навбатида, иқтисодиётни ўрта муддатли ривожлантириш дастурларини давом эттириш, асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий ўсиш суръатларини сақлаш, барча соҳа ва тармоқларни янада тараққий эттириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётир.**

**Мухтасар айтганда, Давлат бюджетининг 2015 йилнинг I ярмидаги ижроси тасдиқланган параметрлар, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси талабларига мос келади.**

## Коллежда «Бир дарча» маркази

**Мамлакатимизда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларнинг меҳнат бозорида ўз ўрнини топишига янада қулай шароит яратиш мақсадида айрим қонун ҳужжатларига, жумладан, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.**
**Бу, ўз навбатида, битирувчиларни ишга жойлаштириш билан боғлиқ ҳуқуқий асосларнинг мустаҳкамланишига замин яратди. Бинобарин, барча жойда бўлгани каби Сирдарё вилоятида ҳам ўрта махсус касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг бандлигини таъминлашга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида жиддий эътибор қаратилмоқда.**
**Мирзаобод ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган йиғилиш худди шу мавзуга бағишланди. Унда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари, тижорат банклари, бандликка кўмаклашиш марказлари, давлат солиқ инспекциялари раҳбарлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман ва шаҳар бўлинмалари раислари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар директорлари, ота-оналар иштирок этишди.**
**Йиғилиш давомида вилоятдаги тижорат банклари томонидан ўтган ўқув йили давомида 955 нафар битирувчига 4 миллиард 33 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилганлиги таъкидланди. Кредит маблағларининг асосий қисми чорвачилик, паррандачилик, якка тадбиркорлик каби соҳаларга йўналтирилиб, ёшларнинг бандлиги таъминланган.**
**2014-2015 ўқув йили битирувчиларининг 3101 нафари тадбиркорлик соҳасини танлаган.**
**Бу йигит-қизларга тижорат банклари томонидан 16 миллиард 185 миллион сўмлик кредитлар ажратилган. Мазкур коллежда ёшларни касбга йўналтириш, бандлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида «Бир дарча» маркази ташкил этилди. Йиғилишда бундай марказларни вилоятдаги барча касб-ҳунар коллежларида ташкил этиш юзасидан тавсиялар берилди.**

Дилора ЭСОНОВА.

# Хусусий мулк ҳуқуқи — устувор



**Раҳимжон ҲАКИМОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O`zLiDeP фракцияси аъзоси

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашнинг ишончли ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Конституциямизда хусусий мулк дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкинлиги ҳақидаги устувор қоидаларнинг белгилаб қўйилганлиги бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яратилган ташкилий-ҳуқуқий асосларга кўра қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси сингари тармоқлар, уй-жой фонди тўлиқ хусусий мулк эгалари тасаррufига ўтказилди. Истеъмол товарлари, озиқ-овқат ва тўқимачилик маҳсулотлари, чарм-пойабзал, мебель ва фармацевтика саноатида давлатнинг улуши сезиларли даражада камайтирилди.

Бугунги амалиёт хусусий мулкнинг давлат мулкига нисбатан ҳар томонлама устунлигини яққол намоён этмоқда. Хусусий корхоналарда сидқидилдан меҳнат қилишга ундайдиган омиллар ва бевосита манфаатдорлик даражаси, ўзининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятининг якуний натижаси учун масъулият ҳисси бутунлай бошқача эканлиги исбот талаб этмас ҳақиқатдир.

Президентимиз Ислом Каримов мамлакатни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида қайд этганидек, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида ҳали-ҳануз турли маъмурий ғов ва тўсиқлар сақланиб қолмоқда. Мансабдорлар томонидан уларнинг қонуний манфаат ҳамда ҳуқуқлари бузилаётгани билан боғлиқ кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Бинобарин, хусусий мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини ошириш, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашуви учун жавобгарлигини янада кучайтиришни ҳаётнинг ўзи тақозо қилаётганди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, жорий йилнинг 21 августидан кучга кирган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни долзарб аҳамиятга эгадир.

Мазкур қонун орқали Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик, Ер, Уй-жой, Солиқ кодексларига, шунингдек, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги каби 40 дан ортиқ қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун жиноий ва маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Жумладан, Фуқаролик кодексида олиб қўйилаётган ер участкасидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни ёки экинларни бузиб ташлаш зарарларнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўлиқ қопланганига қадар йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, мулкдорлар — хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида давлат органлари ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда улар давлат божини тўлашдан озод қилинди. Шу билан бирга хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтириш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган яна кўплаб кафолат ва имтиёзлар мустаҳкамлаб қўйилди.

Мазкур қонун Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг асосий электорати бўлмиш кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари манфаатларига тўла мос келади. Қолаверса, қонун қоидалари партиямизнинг бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва рақобатбардошлигини ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш соҳасидаги устувор вазифалари билан ҳамоҳангдир.

Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари – депутатлар олдида мазкур қонун нормаларини кенг аҳоли қатламлари, аввало, тадбиркорлар ва фермерлар ўртасида тарғиб қилиш, тушунтириш вазифаси турибди. Зеро, ушбу ҳужжатнинг самарали ижро этилиши мамлакатимизда хусусий мулк ҳуқуқининг кучли юридик кафолатлари тизимини яратиш орқали кичик бизнесни янада ривожлантириш баробарида жамиятдаги барқарорликнинг мустаҳкам асоси ҳисобланган мулкдорларнинг синфининг сафини кенгайтиришга хизмат қилади.

*O`zLiDeP фракцияси аъзолари – депутатлар олдида мазкур қонун нормаларини кенг аҳоли қатламлари, аввало, тадбиркорлар ва фермерлар ўртасида тарғиб қилиш, тушунтириш вазифаси турибди.*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлисида демократик ислоҳотларнинг бугунги талабларидан келиб чиқиб, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган бир қанча қонунлар маъқулланди. Эндиликда уларнинг мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламларига етказиш, бу борада жойларда тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш тақозо этилмоқда. Зеро, кўриб чиқилган муҳим масалалар юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир**

# Инсонпарварлик тамойилларининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда

**Тоҳир БАҲРОНОВ,**
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Бухоро халқаро аэропорти директори

Сенат мажлисида 11 та масала, жумладан, 6 та қонун муҳокама этилди. Мазкур қонунларнинг иккитаси янгидан, биттаси янги таҳрирда ишлаб чиқилган. Иккита қонун эса амалдаги айрим қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, айримларини ўз кучини йўқотган деб топиш, битта қонун халқаро баённомани ратификация қилиш тўғрисида экани диққатга сазовор.

Мамлакатимизда социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга кўмаклашувчи норматив ҳужжатлардан бири «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонундир. Шубҳасиз, ушбу ҳужжат юртимизда кичик бизнес фаолият юритиши кафолатлари янада мустаҳкамланиши, аҳолининг бандлик даражаси ошишида долзарб аҳамият касб этади. Мазкур қонун Президентимиз томонидан шу йил май ойида имзоланган хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожи йўлидаги ғов ва тўсиқларни бартараф этиш, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини стратегик асосланган даражага қадар қисқартириш ва рақобат муҳитини таъминлашга қаратилган фармони асосида ишлаб чиқилган. Янги меъёрий ҳужжат асосида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Солиқ, Меҳнат, Фуқаролик, Фуқаролик-процессуал, Хўжалик-процессуал, Уй-жой ва Ер кодексларига, шунингдек, «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида», «Баҳолаш фаолияти тўғрисида», «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Айниқса, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик ва ноқонуний аралашганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш бўйича аниқ меъёрларнинг белгилаб қўйилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Сенатнинг учинчи ялпи мажлисида атрофлича муҳокама этилган ва маъқулланган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларга янгича кўлам бахш этади. Юртимиз жиноят қонунчилигига киритилаётган озодликни чеклаш тариқасидаги жазо тури ўз ноқонуний ҳатти-ҳаракатларидан қаттиқ пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига ўтган шахсларга берилган имкониятдир.

Амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, хавфсизликни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

Сенат мажлисида, шунингдек, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, юртимизда санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлашни давом эттириш, касалликларнинг олдини олиш тизимини ривожлантиришни назарда тутувчи қонунлар ҳам маъқулланди. Хусусан, «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонундан кўзда тутилган асосий мақсад бу борадаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштиришдан иборат. Шу ўринда қайд этиш жоизки, 1992 йилда қабул қилинган «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонунни ижро этиш юзасидан амалга ошириб келинаётган аниқ чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда мамлакатимизда мазкур йўналишда осойишталик таъминланмоқда. Бироқ ҳозирги пайтда давлатлараро иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларнинг жадал ривожланаётгани ҳамда глобал ўзгаришлар шароитида ижтимоий муносабатларнинг тараққий топиши аҳоли саломатлиги хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш заруратини кун тартибига қўймоқда. Тилга олинган қонун эса ушбу соҳада профилактика тадбирларини ўтказишда санитария-гигиена меъёрлари ва қоидаларига риоя қилишнинг барқарор тизимини яратишга хизмат қилиши билан диққатга молик.

Сенаторлар таъкидлаганидек, кўриб чиқилган барча қонунлар, қизғин муҳокама қилинган масалалар замирида ягона — иқтисодиётимиз барқарорлиги, халқимиз фаровонлиги мақсади мужассам. Эътиборлиси, муҳокама этилган қонунлар Президентимизнинг Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлиси ҳамда парламент палаталарининг қўшма мажлиси, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида баён этилган вазифаларнинг рўёбга чиқишига кўмаклашади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, истиқлолнинг илк йилларида илгари сурилган «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, балки инсон учун, унинг манфаатлари, фаровон ҳаёти учун» деган тамойил жамиятимиз ҳаётига изчиллик билан татбиқ қилинмоқда. Мустақиллик даврида барча жабҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларга назар ташласак, ушбу инсонпарвар тамойилга қатъий амал қилинаётганини яққол кўриш мумкин. Юқорида баён қилинган қонунлар эса унинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлайди.

# ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИҲА САМАРАСИ

**O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан Оҳангарон туманида «Соғлом оила — мустаҳкам оила» партиявий лойиҳаси доирасида «Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди**

**Зиёдулла МЎМИНОВ,**
«XXI asr»

Тадбиркор ва фермер аёллар, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳлари аъзолари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофазалаш, хотин-қизлар саломатлигини сақлашга катта эътибор қаратилаётгани боис Ўзбекистонда аёлларнинг умр кўриш давомийлиги 67 ёшдан 75 ёшга ошгани алоҳида таъкидланди.

— Биз бу каби тадбирларни юртимизнинг барча вилоятларида ўтказаяпмиз, — деди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамова. — Мазкур лойиҳа доирасида республикамиз бўйича 2011-2015 йиллар мобайнида 2 мингга яқин тадбир уюштирилиб, уларда 30 мингдан ортиқ хотин-қиз бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. Эътиборли жиҳати, O`zLiDePнинг қайси бир лойиҳаси бўлмасин, Оҳангарон туманида доимо масъулият билан ёндашилган ва шунга яраша натижа бўлган. Масалан, «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳасида ҳам оҳангаронликлар нафақат ўз оилалари, балки қўни-қўшнилар, ёшларни ишга жалб этган ҳолда янги иш ўринлари яратишаяпти. Бугунги тадбир қишлоқда яшаб меҳнат қилаётган, оила ташвишлари билан банд бўлган хотин-қизлар саломатлигини сақлашга қаратилганлиги, кўрик баҳона аёллар билан туман тиббиёт бирлашмаси вакиллари, партия фаоллари иштирокида дилдан суҳбат ўтказилгани эътиборга молик.



— Партиямизнинг ушбу лойиҳаси, унинг мақсад ва вазифалари билан яхши танишмиз, — дейишди «Эртошсой-сервис» хусусий корхонаси раҳбари Ҳабиба Минглиева ҳамда «Равшан шодлик зиёси» фермер хўжалиги раиси Тожинисо Равшанова. — O`zLiDePнинг мазкур лойиҳани ташкил этгани ва уни жойларда ҳаётга татбиқ этаётгани, аёллар саломатлигини сақлашга қаратилган эътиборнинг яна бир натижаси деб биламиз.

— Бунинг бошқа тадбирларимиздан фарқи шундаки, суҳбат «очиқ эшиклар» тарзида ўтказилди, — дейди O`zLiDeP Тошкент вилояти кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Муяссар Жамолиддинова. — Сабаби, биз одамлар орасидамиз. Партиявий лойиҳаларимизнинг кўпчилиги аввало ҳамюртларимизнинг иш билан бандлиги, оилавий ишбилармонликка кўниктиришга қаратилган. Айни чоғда аёлларимизнинг саломатлигини сақлаш ҳам эътиборимиздан четда қолмаяпти. Лойиҳамизни «Соғлом оила — мустаҳкам оила» дея номлаганимиз ҳам бежиз эмас. Унинг доирасида қизларни эрта турмушга узатиш, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган ярим йили давомида вилоятда лойиҳа доирасида 2 минг нафарга яқин аёл тиббий кўрикдан ўтказилди. Бугунги тадбир давомида эса бу кўрсаткич 300 нафарни ташкил қилди. Бундан ташқари, малакали тиббиёт ходимлари уларнинг саломатликларини тиклашлари борасида фойдали маслаҳатлар беришди.

# «Мустақиллик туфайли мулкдор бўлдим»

**Оҳангарон туманида O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан шу мавзуда ташкил этилган давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, тижорат банклари вакиллари, ёш тадбиркорлар, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчилари фаол қатнашди**

**Шуҳрат РАҲИМОВ,**
«XXI asr»

Бинобарин, унда асосий эътибор O`zLiDeP Сайловолди платформаси ва 2015-2019 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида ёшларни иш билан таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш бўйича белгилаб олинган устувор вазифалар ижросини таъминлашда «Ёшлар қаноти» амалга ошираётган ишлар ҳамда галдаги режаларга қаратилди.





Очиқ мулоқот давомида партиянинг банк-молия муассасалари билан ҳамкорликда ишлаб чиққан чора-тадбирлари ҳақида сўз юритилиб, тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари ҳамда кредитларни расмийлаштириш жараёнлари хусусида батафсил маълумот берилди.

Президентимизнинг «Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мувофиқ 2010-2014 йилларда тижорат банклари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига 423,2 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилган бўлса, 2014 йилнинг ўзида ушбу кўрсаткич 200,9 млрд. сўмни ташкил этгани алоҳида таъкидланди. Айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес-режаларини ҳаётга татбиқ этишга жиддий эътибор берилмоқда. Хусусан, 2015 йилнинг биринчи ярмида мазкур йўналишга 133,2 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан қарийб 1,7 баробар кўпдир.

— Партиямиз қатор йиллардан бери тижорат банклари билан ҳамкорликда ёш ишбилармонларни қўллаб-қувватлаб келмоқда, — дейди O`zLiDeP Оҳангарон туман кенгаши раиси Шавкат Комилов. — Уларнинг тадбиркорлик соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш, бизнес-режаларини рўёбга чиқариш, коллеж битирувчиларига ўз ишини очиш учун кредит маблағлари ажратиш масалалари ана шу йўналишдаги фаолиятимизнинг асосини ташкил этади. Бунда истиқболли лойиҳалар ўзига хос аҳамият касб этаяпти.

Мисол учун, 2010 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасини олайлик. Кейинги беш йил мобайнида мазкур лойиҳада иштирок этган 9 минг нафар касб-ҳунар коллежи ҳамда олий ўқув юртлари битирувчиларининг билимлари оширилди. Бугунги кунда лойиҳанинг 4 минг нафарга яқин иштирокчиси тижорат банкларидан жами 17 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит олган ҳолда тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Аҳамиятлиси, улар 10 мингдан зиёд янги иш ўрни яратишди.

— Мен O`zLiDePнинг «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида муваффақиятли иштирок этиб, 50 млн. сўм миқдоридаги имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берадиган сертификатни қўлга киритгандим, — дейди Жавлонбек Ёқубов. — Бугунги кунда 14 турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз.

O`zLiDeP матбуот хизматининг маълум қилишича, тадбир иштирокчилари оҳангаронлик ёшларга тадбиркорликни йўлга қўйишда яқиндан кўмак бериш, ишбилармонликка оид кўникмаларини янада бойитиш ҳамда бизнес-режалар тузишда кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган бизнес-клубга ташриф буюриб, унинг фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар.

## «ХАВФСИЗ ИНТЕРНЕТ»:

# Жаҳолатга қарши маърифат

**O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ёшлар билан ишлаш бўлими тизимли тадбирларнинг таъсирчанлигини оширишга жиддий эътибор қаратмоқда. Хусусан, Тошкент ирригация ва мелиорация институтида «Интернет хавфсизлиги ва ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш» мавзуида ташкил этилган давра суҳбатини ана шундай жонли мулоқотлар сирасига киритиш мумкин**

**Ўз мухбиримиз**

Партиявий лойиҳанинг қизиқарли кечганини унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мутасаддилари фаол иштирок этгани ҳам кўрсатиб турибди.

Алоҳида таъкидланганидек, бугунги глобаллашув жараёнларида ёшлар интернет билан ҳамнафас тарзда улғаймоқдалар. Буни юртимизда сўнгги ўн йил ичида интернетдан фойдаланувчилар сони ўн бараварга (асосан ёшлар ҳисобига) ошгани ҳам тасдиқлайди. Кўрсаткичлардаги жадал ўсишга эътибор беринг: 2007 йилда Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар 1 миллион нафарни ташкил этган бўлса, ҳозир 10 миллион нафардан зиёд. Бу эса мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 32 фоизи демакдир.

Бинобарин, ёшларни глобал тармоқдаги бузғунчи контентдан ҳимоя қилиш, интернет маданиятини шакллантириш, ҳаётга теран қарайдиган маънан етук, баркамол авлодни тарбиялаш, уларни ахборот маконидаги таҳдид ва хуружлардан асраш, турли веб-сайтлар орқали кириб келаётган ёт ғояларнинг олдини олиш мақсадида O`zLiDeP томонидан амалга оширилаётган «Хавфсиз интернет» лойиҳасининг нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини англаш қийин эмас.

– Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ миллий ахборот тизимларини шакллантириш, ахборотлаштириш соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилди, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси Расул Кушербаев. – Интернет хизматларини ривожлантириш, фуқароларнинг ахборотга нисбатан ошиб бораётган талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадида ўнлаб қонун ҳужжати қабул қилинди.

Тадбир ташкилотчиларининг қайд этишича, лойиҳа доирасида шу кунгача миллий ахборот ресурслари сифатини ошириш, интернетнинг миллий сегментида ёшлар таълими ва билимини ривожлантириш бўйича республикамизнинг барча ҳудудларида давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ўтказиб келинаётганлиги ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

— Ёшларда интернетдан оқилона фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини беришига аминман, — дейди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Бегмат Очилов. — Партиямиз илгари сураётган «Хавфсиз интернет» лойиҳаси доирасида интернетдан фойдаланувчиларда ахборот оқимини соғлом таҳлил қила олиш, бошқача айтганда, оқ-қорани танишни ўргатишдек эзгу мақсад мужассамдир. Бизнинг вазифамиз эса мазкур лойиҳанинг мазмун-моҳиятини ёшларимизга атрофлича тушунтиришдан иборат. Бу борада республикамизнинг барча ҳудудларида лойиҳа доирасида махсус сўровномалар ўтказдик. Унда ёшларимиз зўр қизиқиш ва иштиёқ билан иштирок этдилар.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда партиявий қўшма қарор қабул қилиш ва ёшларда «ахборот хуруж»ларига нисбатан медиаиммунитетни шакллантиришга қаратилган амалий таклифлар ишлаб чиқиш ва методик қўлланма сифатида чоп этиш режалаштирилган. Электрон ҳамда китоб шаклида чоп этиладиган қўлланмалар олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига тарқатилади.



Тадбир давомида интернет хавфсизлигини таъминлаш юзасидан соҳа мутахассислари ҳамда депутатларнинг маърузалари тингланди. Очиқ мулоқотда катта қизиқиш билан қатнашган ёшлар муҳокама этилаётган мавзу ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдириб, медиамаданият ҳамда медиасаводхонликни ошириш борасидаги ўз таклифларини ўртага ташлашди.

— Тенгдошларим интернетнинг ижобий ва салбий жиҳатларини яхши англаётганлари қувонарлидир, — дейди Тошкент ирригация ва мелиорация институти 2-босқич талабаси Фурқат Юсупов. — Лекин айрим ёшлар интернет орқали зарарли оқимларнинг ғоялари таъсирига тушиб, уларнинг ортидан эргашиши мумкинлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Ана шундай ноҳуш ҳолатлар юзага келмаслиги учун ёшлар ўртасида интернет маданиятини тўғри шакллантиришни тарғиб қилувчи форумларни кўпроқ ўтказиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. O`zLiDeP томонидан ташкил этилган «Хавфсиз интернет» лойиҳаси ёшларни янада уюшқоқликка, огоҳликка чорлаши билан аҳамиятлидир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашиш мумкин.

# САФДОШИМИЗ — ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ

## КАТТА ЭЪТИБОР, ЭЪТИРОФ ВА ЭЪЗОЗ ХУСУСИДА МУХТАСАР МУЛОҲАЗАЛАР



Эзгуликни дилига жо этиб, ҳалол меҳнат қилганлар ҳеч қачон кам бўлмайдилар. Аксинча, эл орасида обрў топиб, юксак унвонларга мушарраф бўладилар. Партиядошимиз — халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари, Каттақўрғон туманидаги «Ҳосил» фермер хўжалиги бошлиғи Аваз Ҳосилов ана шундай юртдошларимиздан бири. Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида унинг фидойи меҳнатига юксак баҳо берилиб, «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига муносиб топилди. Хушхабар нафақат яқинлари, балки барча самарқандликларнинг, айниқса, либерал-демократларнинг қалбини қувончга тўлдирди.

— Очиғи, бундай юксак эътирофдан жуда қаттиқ ҳаяжонландим, — дейди Аваз Ҳосилов. — Бу нафақат менга, балки мустақил диёримиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган барча фермерларга берилган юксак баҳодир. Негаки, бугунги фермер ерга шунчаки даромад манбаи сифатида эмас, ота-боболаримиздан мерос она-заминнинг ҳар бир қаричига фарзандлик меҳри, қалб қўрини бахшида этмоқда. Эришаётган улкан ютуқлар замирида эса мамлакатимизда ер эгасига бўлган ишонч, яратилган шароит ва шахсан Юртбошимиз томонидан берилаётган алоҳида эътиборнинг амалдаги ифодаси мужассам.

*Зиммасига нафақат ўзининг хўжалиги, балки вилоятдаги ўн мингга яқин фермернинг бошини қовуштириб, муаммолари ечимини излаш масъулияти ҳам юкланган*

Аваз ака деҳқон фарзанди. Болалиги ота-онасига кундалик юмушларда кўмак бериш билан ўтган. Мактабда аъло баҳоларга ўқиган. Талабалик йиллари ҳам тиришқоқлиги билан устозлари эътиборига тушган. Агроном дипломи билан қишлоққа қайтиб, бор иқтидорини саховатли замин парваришига қаратган. Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда ер асл эгаларига топширила бошлаганда фермерликни ихтиёр этганларга давлат ва жамоа хўжаликларининг майдонлари ажратилган. Ўз ерига эга бўлиш нима эканлигини Аваз агроном яхши биларди. Шу боис Қорадарё соҳилидаги тошлоқ ер ажратилганида ҳам сира иккиланмади. Зар қадрини заргар билади, деганларидек, мақсади қандай ҳолатда бўлмасин, ўз ерига эга бўлиш эди. Дастлабки йиллари яхши ҳосил ололмаганида ҳам тушкунликка тушмаган. Муҳими — ўз мулки бор. Меҳнатидан қочмаса, яқин йилларда энг серҳосил замин айланишига мутахассис сифатида ишончи комил эди.

2012 йилда 56,6 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 58,6 центнер пахта, 96 центнер ғалла олинган бўлса, ўтган йили 60 центнердан пахта, 111 центнердан ошириб сара дон йиғиб олинди.

— Ота-онам колхозчи эдилар, — дейди Аваз ака. — Уйдан кўра далада кўпроқ бўлишса-да, косалари оқармаган.

Ҳалол меҳнат эр йигитга ҳамиша омад келтиради. Бугун Аваз Ҳосилов вилоятнинг энг олди фермерларидан бири. Ижтимоий-сиёсий фаолиятда ҳам барчага ўрнак. Президентимизнинг 2012 йилдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида вилоятда ташкил этилган фермерлар кенгашига раис этиб тайинлангани боиси ҳам ана шунда. O`zLiDeP фаоли, халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашида партия гуруҳи раҳбари сифатида олиб бораётган кенг кўламли фаолияти ҳам ибратга лойиқдир.

Зиммасига нафақат ўзининг хўжалиги, балки вилоятдаги ўн мингга яқин фермернинг бошини қовуштириб, муаммолари ечимини излаш масъулияти ҳам юкланган, — дейди Самарқанд вилоят Фермерлар кенгаши бош мутахассиси, O`zLiDeP фаоли Насиба Тешаева. — Вазифасини сидқидилдан бажарганларни рағбатлантиришни ҳам жойига қўяди. Масалан, оддий хўжаликларни кўп тармоқликка айлантириш дастурини тайёрлаш кезлари ярим кечагача ишлаган пайтларимиз ҳам бўлди. Аваз аканинг ўзи биз билан биргаликда кеча-кундуз тинмасдан ишладилар. Ҳар бир фермер фаолиятига алоҳида-алоҳида ёндашган ҳолда хизмат кўрсатиш тури, ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари ва бу мақсадларга сарфлайдиган маблағлари манбаи ҳамда миқдори пишиқ-пухта ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжатни республикада биринчилардан бўлиб раҳбариятга тақдим этганимиздан сўнг барчамизни бирдай мукофотладилар. Бугун вилоятимизда 2 минг 872 та кўп тармоқли фермер хўжалиги фаолият юритаяпти. Уларда 10 минг 478 та янги иш ўрни яратилди.

Кўпга бош бўлиш, ўз саъй-ҳаракатлари билан мудом ўрнак кўрсата билиш осон эмас, албатта. Бунинг учун соҳани яхши билишнинг ўзи камлик қилади. Одамлар билан тиллаша олиш, уларнинг дард-ўйларини ўзиникидай қабул қила олганларгина эл назарига тушади. Ҳурмат-эъзозга сазовор бўлади. Олқиш олади.

Аваз Ҳосилов ана шундай хислатларга эга замондошларимиздан.

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
**«XXI asr»**

## Навқирон мулкдорлар баҳси

Навоий шаҳрида «Ёш фермер» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.
Ушбу тадбир O`zLiDeP, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, республика Касаба уюшмалари федерацияси, Савдо-саноат палатаси, АТ «Микрокредитбанк» ҳамда АТ «Агробанк» ҳамкорлигида имзоланган қўшма қарор асосида жорий йилда илк бора ўтказилаётир. Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, 18 дан 35 ёшгача бўлган шижоатли, изланувчан, ташаббускор, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлида самарали меҳнат қилаётган ёш фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жамоат ишларидаги фаол иштирокини рағбатлантириш мақсадида уюштирилаётган танловда ўнга яқин навқирон мулкдор қатнашди.
Замин соҳиблари ўзлари бошқараётган фермер хўжаликларида янги иш ўринлари яратиш, коллеж битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, қишлоқ ва маҳаллаларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича лойиҳалар тақдимоти, фермерлик бошқаруви, бухгалтерияси, иқтисоди, техник базаси ва бошқа бир қанча йўналишлар бўйича баҳсга киришдилар.
Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, Кармана туманидаги «Обод турмуш келажаги» фермер хўжалиги раҳбари, халқ депутатлари Кармана туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Наргиза Маманова мутлақ ғолиб деб топилди. Хатирчи туманидаги «Очил бобо-2000» фермер хўжалиги раиси Аслиддин Очилов иккинчи, Навбаҳор туманидаги «Жўраева Роҳат» фермер хўжалиги бошлиғи Аббос Шодиқулов эса учинчи ўринни эгаллаб, танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритишди.
Ғолибларга ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Мансур АСЛОНОВ.**

## Оролбўйидаги ёш иқтидорлар

Қишлоқ мулкдорларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, айниқса, ёш фермерларни рағбатлантириш партиямиз диққат марказидаги муҳим масалалар сирасига киради. Бу борада O`zLiDeP ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда турли тадбирлар ўтказаётгани ҳам шундан.
Хусусан, яқинда «Ёш фермер» танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган 15 нафар ёш фермер қатнашди.
Ҳакамлар ҳайъати Кегейли туманидаги «Қудияр-Ахун» фермер хўжалиги раиси Баҳодир Адилчаевни 1-ўринга муносиб топди. Шуманай туманидаги «Насибулла» фермер хўжалиги раҳбари Айдос Наубетов 2-ўрин, Хўжайли туманидаги «Бекниязов Қурбанбай» фермер хўжалиги бошлиғи Қурбанбай Бекниязов 3-ўринга сазовор бўлди.
Кези келганда, танлов ғолиби ҳақида мухтасар сўз айтиш жоиз. Баҳодир Адилчаев мустақиллик тенгдоши. Зиёли оилада таваллуд топган. O`zLiDeP аъзоси. Ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежини 2010 йилда тугатган. Сўнгра Қорақалпоқ давлат университетининг иқтисодиёт факультетида таҳсил олди. 2014 йили ўқишни муваффақиятли тамомлади. Илм эгаллаш баробарида «Қудияр Ахун» фермер хўжалигини ташкил қилди. Хўжалик пахта ва ғалладан ҳар йили мўл-кўл ҳосил олмоқда.
— Хўжалигимизда 24 кишининг бандлиги таъминланган. Фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятидаман, — дейди ёш фермер. — Мамлакатимизда ер эгалари учун қулай шарт-шароит яратилгани айни муддаодир. Муваффақиятларимнинг асосий омили ҳам шунда. Талабалик пайтимдан турли ташкилотлар томонидан ўтказилаётган кўрик-танловларда фаол қатнашаяпман. Жумладан, «Ташаббус-2012» танловида «Энг яхши ёш фермер» номинацияси совриндори бўлдим. Ўтган йили «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирландим. Буларнинг барчасини биргина менга эмас, балки хўжалигимиз аъзоларининг ҳалол меҳнатига берилган юксак баҳо, деб биламан.

**O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Матбуот хизмати.**

# ФЕРМЕРЛАР – ИҚТИСОДИЁТИМИЗ УСТУНИ

**Юртбошимиз Қашқадарё вилоятига навбатдаги ташрифи чоғида қишлоқ мулкдорларига ана шундай таъриф бердилар. Чиндан ҳам аграр соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли фермерлик ҳаракати тобора кенг қулоч ёзмоқда**



**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»

O`zLiDeP вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Орзиқул Шеров ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган «Ёш фермер» кўрик-танловини очар экан, юқоридаги жиҳатга алоҳида эътибор қаратди. У ушбу тадбир ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни фермерлик ҳаракатига кенг жалб этиш, иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, мамлакат равнақи йўлидаги интилиш ҳамда изланишларини қўллаб-қувватлаш борасида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда мавжуд ер-сув, моддий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланиш, агросаноат тизимида замонавий инфратузилмани шакллантириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажми кенгайиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалмоқда. Фермерлар эндиликда нафақат маҳсулот етиштириш, балки қишлоққа саноатни олиб кириш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш борасида ҳам салмоқли ютуқларга эришаяпти.

Бугун жойларда чорвачилик, интенсив боғдорчилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқа тармоқларда истиқболли лойиҳалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Энг муҳими, фермерлар томонидан қайта ишланаётган маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидоргир бўлиб бораётир.

***Қишлоқ мулкдорлари пахта ва ғалладан улкан хирмон яратиб, юрт ободлиги ва тўкинчилигига муносиб ҳисса қўшаётирлар. Чунки барча шарт-шароит яратилган. Ҳозирги кунда воҳамизда 10 477 та фермер хўжалиги фаолият юритаётган бўлса, шундан 300 тасига навқирон авлод вакиллари раҳбарлик қилишмоқда.***



— Ишлайдиган замон келди, — дейди Қарши туманидаги «Сифат нур» фермер хўжалиги раиси Қасрбек Каримов. — Бунинг учун мустақилликдан ҳар қанча миннатдор бўлсак, шунча оз. Қишлоқ мулкдорлари пахта ва ғалладан улкан хирмон яратиб, юрт ободлиги ва тўкинчилигига муносиб ҳисса қўшаётирлар. Чунки барча шарт-шароит яратилган. Ҳозирги кунда воҳамизда 10 477 та фермер хўжалиги фаолият юритаётган бўлса, шундан 300 тасига навқирон авлод вакиллари раҳбарлик қилишмоқда.

Қатнашчилар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш билан боғлиқ кооперацион муносабатларни такомиллаштириш, ёш фермерларни экспорт жараёнига кенг жалб қилиш, уларни ташқи бозор конъюнктураси билан мунтазам таништириш ва шартномалар тузишда амалий ёрдам кўрсатиш, хорижий давлатлардан замонавий минитехнология ва ускуналар олиб келиш, ўрнатиш ва фойдаланиш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратдилар. Оқилона ички ва ташқи сиёсат, кенг кўламли ислоҳотлар истиқболда соҳани барқарор ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилишини таъкидладилар.

— Танловнинг вилоят босқичида ёш фермерлар касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, жойларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга оид лойиҳалари билан қатнашдилар, — дейди O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Баҳодир Юсупов. — Ғолибларни аниқлашда иштирокчиларнинг аграр тармоққа оид инновацион лойиҳалари, етакчилик қобилияти, интернет ва замонавий ахборот технологияларини қай даражада ўзлаштирганлиги, либерал-демократик билимлари алоҳида ҳисобга олинди.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, Миришкор туманидаги «Пармонов Сайфулла Кенжаевич» фермер хўжалиги раҳбари Элбек Фармонов биринчи, Қарши туманидаги «Равшанов Шерзод Тўйчиевич» фермер хўжалиги иш юритувчиси Шерзод Равшанов иккинчи, Косон туманидаги «Ўткиров Баҳодир Эшмурод ўғли» фермер хўжалиги бошлиғи Баҳодир Ўткиров учинчи ўринга муносиб топилиб, танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

**«Ёш фермер» кўрик-танловининг Сирдарё вилоят босқичи бўлиб ўтди. Гулистон туманидаги «Орол неъматлари» фермер хўжалигида ўтказилган мазкур танловда 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган илғор фермер хўжалиги раҳбарлари, иш юритувчи менеджерлари иштирок этишди**

# Сирдарёдан Сарвиноз, Умиджон ва Жаҳонгир

**Дилора ЭСОНОВА,**
«XXI asr»

Танлов қатнашчилари учта шарт бўйича ўз билим ва кўникмаларини намоён этдилар. Биринчи шартга асосан иштирокчининг ўзи бошқараётган фермер хўжалигида ижтимоий-иқтисодий соҳада эришган натижалари, янги иш ўринлари яратиш, коллеж битирувчиларини фермерлик фаолиятига жалб этиш, қишлоқ ёки маҳалла ҳудудида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича олиб бораётган ишларига баҳо берилди. Иккинчи ва учинчи шартларда эса фермерлик бошқарувидаги иқтидори, хўжаликнинг иқтисоди, техник базаси, касаначилик каби қатор масалалар бўйича билим ва малакалари, нотиқлик қобилиятлари синовдан ўтди.

Ёш фермер Турсунали Йўляхшиев Оқолтин туманидаги «Эркин Озод» фермер хўжалигининг раҳбари. 31,7 гектар ерга эга фермер бу йил 8 гектар майдонда ғалла ўстириб, режани ортиғи билан уддалади. Айни пайтда у бор имкониятини пахта топшириш шартномасини бажаришга қаратган.

Мирзаобод тумани, «Зар замин нур» фермер хўжалиги раҳбари Жаҳонгир Қодиров ўзининг пухта билим соҳиби, ташаббускор ва янгиликларга интилувчанлигини намоён этди. 50 гектар ерда деҳқончилик қилаётган ёш фермер 7 нафар тенгдошини иш билан таъминлашга эришди. Ёшлик шижоати билан меҳнат қилингани ўзининг самарасини берди. 20 гектар ердаги ғалладан мўл ҳосил етиштирилди, 30 гектар майдондаги пахтазорда унумли меҳнат қилинди. Ундан ташқари ёшлар 2 гектар ерда боғдорчилик ташкил қилишган.

Шунингдек, кўрик-танловнинг бошқа иштирокчилари ҳам ўз хўжаликларида олиб борилаётган ишлар, келгуси режалар ҳақида батафсил маълумот бериш ва ҳакамлар ҳайъатининг саволларига атрофлича жавоб қайтаришнинг уддасидан чиқдилар.

Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, Гулистон туманидаги «Сарвиноз Собиржоновна файзи» фермер хўжалиги раҳбари Сарвиноз Шокирова биринчи ўрин, Сирдарё туманидан «Асқар чорвадор» фермер хўжалиги раҳбари Умиджон Мавлонов иккинчи ўрин, Мирзаобод туманидаги «Зар замин нур» фермер хўжалиги иш бошқарувчиси Жаҳонгир Қодиров 3-ўринга муносиб деб топилди.

— Бу танловда иштирок этиб, қишлоқ мулкдорлари давр билан ҳамқадам, айни пайтда чуқур билим ва малакага эга бўлиши лозимлигини яна бир бор англаб етдим, — дейди Сарвиноз Шокирова. — Айниқса, «Ташаббус-2014» кўрик-танловининг республика босқичи ғолиби, Боёвут туманидаги «Аҳмадий» фермер хўжалигининг раҳбари Баҳодир Кенжаевнинг малакамизни синовдан ўтказиши менинг фермерликка бўлган ҳавасимни, қолаверса, рағбатимни янада оширди.

Умиджон Мавлонов ҳам вилоятдаги энг ёш фермерлардан. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицейни тамомлаган Умиджоннинг фермер хўжалигини ташкил этганига бор-йўғи икки йил бўлди. Хўжалик асосан пахтачилик ва чорвачиликка ихтисослашган.

— Оилада тўрт ака-ука отамнинг изидан бориб, қишлоқ хўжалиги соҳасини танладик. Акам Асқар Мавлонов «Рустам-Собир-Улуғбек» фермер хўжалигининг раҳбари, кейинги акаларим Ҳасан-Ҳусанлар хўжалигимизда механизаторлик ва иқтисодчи вазифасини бажаришади. Бу йил фермер хўжалигимизга қарашли ер майдонига яқин жойдан 20 сотих ерда иссиқхона барпо этиб, 4 нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминлашни ният қилиб турибман, — дейди Умиджон. — 10 та зотли бузоқча аниқ рацион асосида парваришланаяпти. Аста-секин хўжаликни кўп тармоқли фермер хўжаликлар қаторига қўшишда бор имконият, илғорлар тажрибасидан фойдаланаман.

Кўрик-танлов ғолиблари республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

# Мақсади ойдиннинг — йўли ойдин

**Баҳодиржон Қодиров Бўз туманидаги «Ферузбек Қодиров» фермер хўжалигини ташкил этганига роса беш йил бўлди. Пахта ва ғалла бўйича шартнома режаларини мунтазам ортиғи билан бажармоқда**

**Эльмира РАҲМОНОВА,**
«XXI asr»

Кейинги тўрт йилда ғалладан 60, пахтадан 40 центнердан ҳосилдорликка эришиб, «Олтин фермер» мавқеига эга бўлди. Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2015» кўрик-танловида вилоятда биринчи, республика босқичида эса 3-ўринни эгаллади.

Қисқа бир муддатда бундай натижаларга эришиш осон эмас, албатта. Лекин Баҳодиржон тадбиркорликда ҳам, деҳқончиликда ҳам муайян тажрибага эга.

Иш бошқариш, ишбилармонлик кўникмалари дадаси — тажрибали фермер Қодиржон Турдиевдан ўтган. Қодиржон ота ҳам тумандаги илғор фермерлардан бири. Фарзандларига ҳамиша ўзи англаган, ҳаётда синаб кўрган бир ҳақиқатни сингдириб келади: Ватанни севиш, ҳалол меҳнат йигитни эл-юртга танитади. Янги-янги марраларга чорлайди. Отаси ва акаси изидан борган Ботиржоннинг фермерликни танлагани боиси ҳам шунда. Хуллас, ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳнатсеварлик бир ёқадан бош чиқариб ишлаётган оила аъзолари муваффақиятининг бош омили, десак хато қилмаган бўламиз.

Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида фермерлар оиласи ташаббуси билан «Ўзбегим» номли йирик мажмуа ишга туширилди. Турли оммавий тадбирлар, тўй-тантаналар ўтказишга мўлжалланган мажмуа рангли чироқлар билан жилоланувчи фавворалар билан безатилган бўлиб, энг гавжум маданий дам олиш масканига айланди.

Бундай йирик иншоотни қуриш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Шу боис молия муассасаларидан 1 млрд. 100 минг сўм миқдорида имтиёзли кредит олинди. «Ферузбек Қодиров» фермер хўжалиги ҳисобидан 50 млн. сўм сарфланди. Натижада 80 та янги иш ўрни яратилди. Ишчи-хизматчиларнинг асосий қисмини коллеж битирувчилари ташкил этаётир.

— Фермерликни 20 гектар ерда бошлагандик. Ҳозирга келиб 85 гектар экин майдонимиз бор. Уч йилдан бери кўп тармоқли мақомига эгамиз, — дейди Баҳодиржон Қодиров. — Бундан ташқари, хўжалик қошида акфа эшик-ромлари ҳамда дурадгорлик маҳсулотлари тайёрлаш цехимиз бор. Ариқ-зовурлар қирғоқларида 20 минг туп атрофида бинокорликда фойдаланса бўладиган дарахт кўчатларини парвариш қилаяпмиз. 15 гектар майдонни чорвачилик учун ажратганмиз. 100 бош қорамол сотиб олиш ва парваришлаш харажатлари учун банкдан ажратилган 200 млн. сўмлик кредитдан фойдаландик.

***Хўжалик бежиз кўп тармоқли, деб аталмайди. Айни пайтда бу ерда паррандачилик, асаларичилик ҳам намунали йўлга қўйилган. Ишчилари сони шу йили келиб қўшилган 20 нафар коллеж битирувчисини қўшиб ҳисоблаганда 135 нафардан зиёдни ташкил этади.***

Хўжалик бежиз кўп тармоқли, деб аталмайди. Айни пайтда бу ерда паррандачилик, асаларичилик ҳам намунали йўлга қўйилган. Жами ишчилари сони, шу йили келиб қўшилган 20 нафар коллеж битирувчисини қўшиб ҳисоблаганда, 135 нафардан зиёдни ташкил этади.

Излаган — имкон топади. Сусткашликка йўл қўйиган бор имкониятни ҳам йўққа чиқаради. Мақоламиз қаҳрамони Баҳодиржон Қодиров тадбиркорликнинг ушбу олтин қоидасини яхши биладиган ва унга қатъий амал қилиб келаётган замондошларимиздан бири. Мақсади ойдин, танлаган йўли порлоқ. Шу боис иши бошидан ошиб ётганига қарамай O`zLiDeP Бўз туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзоси сифатида ижтимоий-сиёсий фаолиятда ҳам сафдошларига ўрнак бўлаяпти. Халқ дарди билан яшагиси, юрт ривожига муносиб улуш қўшгиси келади. Ўзи яшаб турган туманнинг гуллаб-яшнаши, маҳалладошларининг фаровон турмуши йўлида доимий изланишда.

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

## КУЧЛИ ҚУЙИ БЎҒИНДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯГА

**«XXI ASR»** 38 (618)-son, e-mail: xxi_asr@umail.uz

**Маълумки, O`zLiDeP 2014 йилги сайлов кампаниясига киришар экан, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ҳамда тадбиркор эркинлиги, хусусий мулк устуворлиги ва ҳимоясини таъминлаш, хусусий сектор вакилларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофазалашга йўналтирилган механизмларнинг самарали ишлашига эришиш, барча тадбиркорлик субъектларига, мулк шаклидан қатъи назар, хомашё манбалари ва моддий ресурслардан фойдаланишда тенг шароитлар яратиш учун қатъият билан интилишини эълон қилганди**



# ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ҚУЙИ ТУЗИЛМАЛАРДАН БОШЛАНАДИ

**Беҳзод ИСРОИЛОВ,**
«XXI asr»

Сайловчиларга берилган мазкур ваъдалар аллақачон амалий ишларга кўчганлиги, жойларда мулкдорларнинг манфаатлари сафдошларимиз томонидан изчиллик билан ифодаланаётгани ва бунда бошланғич ташкилотларнинг ҳиссаси сезиларли бўлаётганини таъкидлаш жоиз.

Чунончи, Данғара туманидаги «Етти камалак» фермер хўжалигида фаолият юритаётган партиямиз таянч нуқтаси ҳам ўз ваколатларидан унумли фойдаланаяпти. Айниқса, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимини топишга масъулият билан ёндашмоқда. Бу борада партия туман кенгаши, маҳаллий кенгашлардаги депутатларимиз билан яқин ҳамкорлик қилаяпти. Эътиборлиси, БПТ бундай ишларда фаолликни аввало ўзидан талаб этаётир. Яъни, биринчи навбатда хўжаликдаги муҳим масалаларга диққат қаратиб, уларни тўла-тўкис ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Зеро, шундагина аҳоли, хусусан, электоратимиз вакиллари наздида қуйи бўғиннинг мавқеи ошади, у тарғиб-ташвиқ этаётган дастурий ғояларни қўллаб-қувватловчилар кўпаяди.

Яқинда бўлиб ўтган БПТ йиғилишида фермер хўжалигини кенгайтириш масаласи муҳокама қилинди. Гап шундаки, хўжалик қарамоғида 300 бош қорамол мавжуд. Жами 67 гектар экин майдони бўлиб, унинг 27 гектари ем-хашак учун ажартилган. Сўзга чиққан фаоллардан бири Аваз Ашуров таъкидлаганидек, ана шу ердан йиғилган озуқа эҳтиёжни қопламаяпти. Муаммога буткул барҳам бериш учун яна 63 гектар ер зарур. У, шунингдек, ем-хашак ҳажми кўпайтирилса, сифатли сут маҳсулотлари ва гўшт етиштириш бетўхтов ортиб бориши, янги иш ўринлари яратилиши, бинобарин, бундан аҳоли ҳам, хўжалик аъзолари ҳам манфаатдор эканини алоҳида қайд этди.

Мажлис охирида БПТ раиси Аббос Холмирзаев сўз олиб, тилга олинган масала тўғри кўтарилгани, партия Уставининг 9.3-бандига биноан қуйи бўғинлар жойлардаги муаммоларни ўрганиши ва уларни партиявий воситалар билан ҳал этилишига кўмаклашиши кераклигини билдирди. Кун тартибидаги масала бўйича иш олиб борилиши партиямиз Сайловолди платформасида белгиланган устувор вазифаларга ҳамоҳанг эканини таъкидлаб, тегишли материалларни партия туман кенгашига олиб чиқиш таклифини киритди. Таянч тузилма аъзолари Баҳромжон Аҳмедов, Турғунали Бўрибоев ва бошқалар етакчининг таклифини маъқулладилар.

Тумандаги «Real Goal Forward» МЧЖдаги таянч бўғин ҳам O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг «Бошланғич партия ташкилотлари томонидан жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муаммоларни ўрганиш ва уларни партиявий воситалар орқали ҳал этиш тўғрисида»ги қарори ҳамда тегишли йўриқномаси асосида муайян ишларни амалга оширмоқда.

— Корхонамиз қишлоқ хўжалиги экинларига кимёвий ишлов беришда ишлатиладиган пуркагичлар ҳам ишлаб чиқаради, — дейди БПТ раиси Хушнуд Ўришбоев. — Бу йўналишда республикада ягонамиз. Бошланғич ташкилотнинг навбатдаги йиғилишида полиэтилен хомашёси таъминотидаги узилишлар ҳамда тайёр маҳсулотни реализация қилиш борасидаги айрим қийинчиликлар баён этилди. Бу муаммо бартараф қилинса, 17 нафар йигит-қиз доимий иш билан таъминланади, қолаверса, четдан шундай маҳсулотлар сотиб олинишига эҳтиёж қолмайди. Мажлис хулосаларини партия туман ташкилотига тақдим этдик.

Партия маҳаллий кенгаши мазкур масалаларни O`zLiDePнинг халқ депутатлари туман кенгаши таркибидаги депутатлик гуруҳи йиғилиши муҳокамасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Депутатлик гуруҳи эса йиғилиш ўтказиб, БПТлар томонидан кўтарилган муаммоларни ўрганиш бўйича ишчи гуруҳларини ташкил этди.

— «Етти камалак» фермер хўжалиги фаолияти билан бевосита танишганимизда муаммо юзасидан келтирилган далиллар ҳаққоний эканига гувоҳ бўлдик, — деди депутатлик гуруҳининг кейинги йиғилишида ишчи комиссияси аъзоси, 15-Ганжиравон сайлов округидан сайланган депутат Юлдуз Ходжаева. — 300 бош қорамол барча талабларга жавоб берадиган шароитда боқилаяпти. Қайта ишлаш цехида 10 га яқин турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳавас қиларли даражада йўлга қўйилган. Амалдаги тартиб-қоидаларга кўра ҳар бир қорамол учун 0,30 гектар ажратилиши лозимлигини ҳисобга олсак, хўжалик ихтиёрига жами 90 гектар ер майдони берилиши кераклиги аён бўлади. Биз қуйи бўғин талаби қондирилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Депутатлар Набияхон Рўзматова, Азиз Қўзиев, Омаджон Юлдашев унинг фикрларини қўллаб-қувватладилар.

Йиғилишда БПТлар мурожаатлари асосли, деб топилди ва кўрилган масалалар бўйича қарор қабул қилинди. Унда «Етти камалак» фермер хўжалигига қўшимча 63 гектар ер ажратилиши юзасидан туман ҳокимлигига таклиф киритиш, «Real Goal Forward» МЧЖга маҳсулотларини сотиш учун Қўқон шаҳри марказий буюм бозоридан жой бериш ва хомашё масалаларида вилоят кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳидан амалий ёрдам сўраш белгиланди.

O`zLiDeP туман кенгаши раиси биринчи ўринбосари Одил Эркабоевнинг айтишича, яқинда корхонага буюм бозоридан махсус жой ажратилди. Қолган муаммолар эса вилоят миқёсида иш юритувчи идоралар томонидан ҳал этилаётир.

Хулоса шуки, БПТлар жамоатчилик назорати амалга оширилишида бошланғич механизм вазифасини ўтаяптилар. Ушбу мақолада баён қилинганга ўхшаш мисоллар эса ноёб ҳодиса эмас. Чунончи, жорий йил мобайнида халқ депутатлари Данғара туман кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи томонидан тегишли ташкилотлар раҳбарларига 38 та депутатлик сўрови юборилди. Уларнинг аксарияти бевосита БПТларда кўтарилган масалаларга оиддир. Шунинг баробарида мазкур кўрсаткичлар 2012-2013 йилларга нисбатан ўртача 30 фоизга ошганлигини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз. Айни пайтда охирги 8 ой мобайнида қуйи бўғинлар ташаббуси билан ўтказилган учрашувлар, очиқ мулоқотлар чоғида турли мазмундаги 100 дан зиёд мурожаат, таклиф ва тавсия билдирилганлиги, уларнинг қарийб 80 фоизи ҳал қилинганлиги ёхуд амалга татбиқ этилаётганлиги туман кенгашида O`zLiDeP вакиллари келгусида ҳам ҳозиргидек кўп овозга эга бўлади, деб умид қилишимизга асос бўлади.

## ЭЛЕКТОРАТИМИЗ ҲИССАСИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА

Шўрчи туманидаги «Оққўрғон» МФЙ бошланғич партия ташкилотида «Олий саодат сурури» деб номланган давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда O`zLiDeP туман кенгаши раиси биринчи ўринбосари Абдухалил Дониёров, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Бўрон Менгбоев, БПТ раиси Баҳром Холбоев ва бошқалар мустақиллик йилларида одамларнинг онгу-шуури ва турмуш тарзида юз бераётган ижобий ўзгаришлар хусусида, шунингдек, партиямизнинг мулкдорлар қатлами манфаатларини ифодалайдиган етакчи кучга айлангани ҳақида сўз юритдилар.

— Маҳалламизда истиқомат қилаётган аҳолининг икки юз нафардан ортиғи O`zLiDeP аъзосидир, — дейди тилга олинган қуйи бўғин етакчиси. — Улар сафида илғор фермер ва тадбиркорлар кўплиги эътиборга молик. Таъкидлаш керакки, маҳалламиз ҳудуди кўркамлашиб, янада серфайз гўшага айланишида партиямиз электоратининг ҳиссаси катта. Айни пайтда O`zLiDePдан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар билан ҳамкорликда сиёсий кучнинг дастурий мақсадларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилаяпмиз. Бундан ташқари, томорқалардан самарали фойдаланиш, иссиқхоналар ташкил этиш, чорвачилик ва паррандачиликни янада ривожлантириш масалалари борасида муайян ишларни амалга ошираяпмиз.

**Муҳриддин НУРМАНОВ.**

## МАЪНАВИЙ РАҒБАТ — ИНСОНГА ҚАНОТ

Бугунги кунда Бухоро вилоятида O`zLiDePнинг 550 дан ортиқ таянч тузилмаси фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида «Бухоро» халқаро аэропортидаги бошланғич ташкилотнинг алоҳида ўрни бор. 83 нафар маслакдошимизни бирлаштирган мазкур қуйи бўғин аэропорт маъмурияти билан ҳамкорликда белгиланган дастурий вазифалар ижросини таъминлаш йўлида фаол иш олиб бормоқда. Жумладан, мустақиллигимизнинг 24 йиллиги ҳамда Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан партия вилоят ва шаҳар кенгашлари ҳамкорлигида ўтказилган байрам тадбирида вилоят ҳокимининг ўринбосари Ҳ.Ғойиров, аэропорт директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Т.Баҳронов ва бошқалар сўзга чиқиб, тўпланганларни самимий муборакбод этдилар.

Таъкидлаш жоизки, партиявий бурч ва масъулият туйғуси сафдошларимизни хайрли ишларга даъват этмоқда. Хусусан, ёши улуғ инсонлар аэропорт маъмурияти, касаба уюшмаси ва бошланғич партия ташкилотининг доимий эътиборида. Яқинда «Ширбуддин» ҚФЙда яшовчи 2 нафар фронт орти иштирокчисига 500 минг сўмдан моддий ёрдам берилди, яна бир қарияга эса «Артель» телевизори туҳфа қилинди. Рамазон ҳайити арафасида 54-МФЙ ҳудудида истиқомат қилувчи табаррук онахонлар ҳолидан хабар олиниб, уларга пул мукофотлари топширилганлиги барчани мамнун этди. Буларнинг ҳаммаси жамоада БПТнинг обрў-эътибори мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

**Асхор ИСТАМОВ.**

## ▼ АНИҚ САВОЛГА

***— Партиявий тадбирларнинг қандай турлари ва кўринишлари бор?***

— Партиявий тадбирлар асосан «йиғилиш», «давра суҳбати», «мулоқот», «семинар», «семинар тренинг», «учрашув», «кўрик-танлов», «тақдимот», «депутат сўрови», «назорат-таҳлил фаолияти», «депутат эшитувлари», «ақлий ҳужум» шаклида ўтказилади. Ташкил қилинаётган ҳар бир тадбир моҳият-мазмунига кўра, аввало, партиянинг асосий электорати манфаатларини ифодалашга, тадбиркор ва фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, сиёсий куч нуфузини ошириш, унинг сафини кенгайтириш ҳамда ғоя ва мақсадлари тарғиботига хизмат қилиши лозим. Шу билан бирга қандай шаклда ўтказилишидан қатъий назар ҳар бир партиявий тадбир (тантанали йиғилиш ва маросимлардан ташқари) муайян бир масалани ўрганиш, уни ҳал этиш ҳамда якуний натижаларини муҳокама этиш мақсадида уюштирилиши керак. Йиғилиш, мажлис ёки семинар тарзида ўтадиган, яъни, маърузалар ўқилиб, иштирокчилар асосан тингловчи сифатида қатнашадиган тадбирлар қаторида ҳар бир қатнашчининг фаоллигини таъминловчи тадбирлар ҳам партия фаолиятига қизиқишни кучайтиради. Масалан, ёш фермер ва тадбиркорлар, жумладан, аёл ишбилармонлар учрашувларини ўтказиш мумкин. Бунда улар ўзаро тажриба алмашишлари, ўзига хос муаммоларни муҳокама қилишларига шароият яратилиши мақсадга мувофиқ. Ёхуд ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда бошланғич ташкилотлар фаолият юритаётган корхона ва муассасалар фаоллари ўртасида спорт, санъатнинг маълум тури бўйича партия совринлари учун мусобақалар уюштириш сингари тадбирлар ҳам сиёсий кучнинг дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб этишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, партиявий тадбирларнинг хилма-хиллигига сиёсий куч Устави, Дастури ва Сайловолди платформасида белгиланган вазифалар бажарилишини таъминлаш ҳисобига эришиш тақозо этилади.

## ▲ АНИҚ ЖАВОБ

## КЎЗИМИЗ ҚАРОҒИСАН, ИСТИҚЛОЛ!

O`zLiDeP Қарши туман кенгаши ташаббуси билан «Бешкент пахта тозалаш» АЖдаги БПТда ташкил этилган байрам тадбири ана шундай деб номланди.

Унда O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши қошидаги Сиёсий таълим маркази раҳбари Дилором Азизова, «Нормўмин бобо» фермер хўжалиги раиси, халқ депутатлари Қарши туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Панжи Гелдиев ва бошқалар сўзга чиқишди.

— Истиқлол туфайли туманимизда улуғвор ўзгаришлар рўй берди, — деди халқ депутатлари Қарши туман кенгаши депутати Баҳриддин Астанов. — Илгари чўлу биёбон, янтоқзор бўлиб ётган жойда Мирмирон шаҳарчаси бунёд этилди. Бу ерда намунали лойиҳалар асосида бунёд этилган уйларда истиқомат қилаётган оилалар учун муносиб турмуш шароити яратилган. Улар озод ва обод Ватанимизда рўй бераётган янгиланишлардан беҳад хурсанд бўлиб, кўрсатилган ғамхўрлик ва эътибор учун Юртбошимиздан миннатдор эканликларини таъкидламоқдалар. Ўтган йилларда минглаб ёшларимиз учун янги иш ўринлари яратилди. Буларнинг барчаси истиқлол туфайлидир.

— Мустақиллик даврида бой тарихимиз, меросимиз, бебаҳо дину диёнатимиз, ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди, — дейди корхонадаги БПТ раиси Нурбек Мўминов. — Аждодларимиз асрлар давомида орзиқиб кутган ва муттасил интилиб яшаган, бизга насиб этган энг улуғ, энг азиз неъмат бўлган истиқлолимизни кўз қорачиғимиздек асрашимиз лозим.

**Сайфулла ИКРОМОВ.**

# Маҳаллалардаги мулоқотлар

**Қуйи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш борасида партия Навоий вилоят кенгаши томонидан ҳам тизимли ишлар амалга оширилаётир. O`zLiDeP депутатлик гуруҳлари аъзоларини БПТларга бириктириш, ҳудудий кенгаш мутахассислари, тадбиркорлар ва фермерлар иштирокида амалий семинар ва ўқувлар ташкил этиш, намунали фаолият юритаётган бошланғич ташкилотлар иш тажрибасини оммалаштиришга қаратилган турли тадбирлар шулар жумласидан**

**Мансур АСЛОНОВ,**
«XXI asr»

— Эришилаётган ютуқларда партиямиз электоратининг ҳам ўзига хос ҳиссаси борлигидан фахрланамиз, — дейди O`zLiDeP Кармана туман кенгаши раиси Камол Йўлдошев. — Турли тадбирларимизда партиямиз салоҳияти хусусида атрофлича сўз юритилмоқда. Лойиҳаларимизда Ватан байроғини юқори кўтараётган, фан, таълим, маданият, тадбиркорлик, фермерлик ва бошқа соҳаларда юқори натижаларга эришаётган ёш авлод вакилларини бошқаларга ибрат этиб кўрсатаяпмиз, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаяпмиз. Шунинг баробарида сафдошларимизни кўпайтириш, жойларда партиявий ташвиқот ишларини ташкил этишдаги фаол иштироки учун БПТ раислари ҳамда партия фаолларини доимий рағбатлантиришга эътибор қаратаяпмиз. Қайд этиш керакки, ғоявий-сиёсий тадбирларнинг айнан таянч нуқталарда ташкил этилаётганлиги яхши самара бермоқда.

Тумандаги «Калавот» ҳамда «Арғун» МФЙ ҳудудидаги БПТларда Президент фармон ва қарорлари, Олий Мажлис Сенатининг учинчи ялпи мажлисида қабул қилинган қонунлар моҳиятини аҳолига етказишга бағишланган давра суҳбатларини ана шундай таъсирчан тадбирлар сирасига киритиш мумкин. Уларда маслакдошларимиз — Тарих фанлари доктори, профессор Сулаймон Иноятов, халқ депутатлари Кармана туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси, Навоий давлат кончилик институти доценти Шоира Носирова ва бошқаларнинг «Истиқлол йилларида қўлга киритилган муваффақиятлар», «Мустақиллик — олий неъмат», «Ўзбекистон Республикаси қонунлари халқ манфаатлари, Ватан равнақига хизмат қилмоқда», «Фермерлик ҳаракати — мустақиллик шарофати» мавзуларидаги маърузалари тингланди.

Тадбир иштирокчиларидан бири Азим ҳожи Жабборовнинг гўзал урф-одат ва анъаналаримиз, муқаддас динимиз, ҳуқуқ ва эркинликларимизни тиклаган мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, Истатой ая Ҳимматованинг ўлкамиздаги тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш борасида ғайрат-шижоат кўрсатишга даъват қилувчи дил сўзлари йиғилганларни тўлқинлантирди. Маҳаллий ижодкорларнинг она Ватан ва мустақилликни мадҳ этувчи чиқишлари барчада катта таассурот қолдирди.

Тадбирда партия аъзолигига қабул қилишни сўраб ариза берган ўн беш нафар кишига аъзолик гувоҳномалари, партиявий фаолиятда ўрнак кўрсатган фаолларга эса O`zLiDeP вилоят кенгашининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**«БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, ПАРТИЯНИНГ ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ АЪЗОЛАРИ ВА БОШҚА ФАОЛЛАРГА ПАРТИЯВИЙ, СИЁСИЙ ТАЪЛИМ БЕРИШНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ, ИЛҒОР ФИКРЛАЙДИГАН, ЖАМИЯТНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРИШГА, ПАРТИЯ ОЛДИДА ТУРГАН ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА ҚОДИР БЎЛГАН ПАРТИЯ РАҲБАР КАДРЛАРИ ЗАХИРАСИНИ ТАЙЁРЛАШ, УЛАРНИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНЛАРИДАГИ БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАВСИЯ ЭТИШ O`ZLIDEPНИНГ БОШ ВАЗИФАЛАРИ СИРАСИГА КИРАДИ».**

O`zLiDeP Уставидан.

# ЖАРАЁН

**Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56 фоизини ишлаб чиқараётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида иш билан банд аҳолининг 75-77 фоизи меҳнат қилмоқда. Бу қулай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтириш, бизнес субъектлари ташкил этиш механизмини соддалаштириш, мавжудларининг янада эркин фаолият юритишини таъминлаш борасидаги изчил иқтисодий сиёсатнинг амалий натижасидир**



## O`ZLIDEP ЭЛЕКТОРАТИ — СИЗЛАР УЧУН!

**Ф.ДЖАЛИЛОВ,**
Адлия вазирлиги Жиноий, маъмурий ва ижтимоий қонунчилик бошқармасининг бош маслаҳатчиси

Иқтисодиётда давлат улуши ва ўрнини стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартириш асосий мақсадлардан бир экан, хусусий мулкнинг ролини тубдан ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, унинг чет эл капитали иштирокидаги улушини изчил ошириш ҳақиқатан ҳам кун тартибидаги долзарб масалалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган 33 банддан иборат чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилгани боиси ҳам ана шундадир. Ушбу дастурда, шунингдек, бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, янги меъёрларни қабул қилиш ҳам назарда тутилган бўлиб, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан қонун лойиҳаси тайёрланди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатнинг учинчи ялпи мажлисида маъқулланди.

Мазкур қонун Ўзбекистон Республикасининг 31 та қонун ва 10 та кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини назарда тутувчи 43 та моддадан иборат бўлиб, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳимоя қилиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга хизмат қилади. Жумладан, «Банкротлик тўғрисида», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида» ҳамда «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишида ҳуқуқий замин вазифасини ўтади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Меҳнат, Фуқаролик, Фуқаролик-процессуал, Хўжалик-процессуал, Ер, Уй-жой ва Солиқ кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини амалда таъминлади.

Айни пайтда фақат суд қарори асосидагина товарлар, транспорт воситалари ва бошқа буюмларни мусодара қилиш механизмини жорий этиш учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 27-моддасига ва «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини либераллаштириш жараёнини давом эттириш мақсадида Жиноят кодексининг 184-моддасига қўшимча, Жиноят-процессуал кодексининг 333-моддасига ўзгартириш киритилди. Ушбу ўзгартириш ва қўшимчага мувофиқ, Жиноят кодексининг 184-моддасида назарда тутилган жиноятни биринчи марта содир этган шахс солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижаларига кўра давлат солиқ хизмати органининг қарори олинган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида давлатга етказилган зарарни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шу жумладан, пеня ҳамда бошқа молиявий санкциялар тарзида тўлиқ қоплаган бўлса, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилмайди.

Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида Жиноят кодекси янги — «Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилувчи бошқа жиноятлар» деб номланган боб билан тўлдирилди.

Тадбиркорлик субъектларига қонунда назарда тутилмаган мажбуриятларни мажбуран юклаш ҳолатларининг олдини олишга оид моддада эса тадбиркорлик субъектларини пул маблағлари ажратиш билан боғлиқ хайрия ишлари ва бошқа тадбирларга мажбуран жалб қилганлик учун мансабдор шахсларнинг жиноий жавобгарлиги назарда тутилади.

Жиноят кодексининг янги — $192^{6}$-$192^{10}$-моддаларида молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш тартибини бузганлик, банк ҳисоб-варақлари бўйича операцияларни ноқонуний тарзда тўхтатганлик, рухсат бериш тартиб-таомиллари ва лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик, имтиёзлар берилишига тўсқинлик қилганлик, хўжалик юритувчи субъектларга пул маблағлари берилишини асоссиз кечиктирганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланди.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳам бир қатор янгиликлар киритилаяптики, улар тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини янада кучлироқ ҳимоя этишга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилишга доир қабул қилинаёган қонун ҳужжатларининг ижроси, уларда белгиланган имтиёз ва имкониятларнинг тўлиқ қўлланилиши иқтисодиётимизни навбатдаги тараққиёт босқичига олиб чиқишга хизмат қилади.

## Тараққиётнинг биринчи шарти

**Ривожланган давлатлар тарихида иккита муҳим жиҳат яққол кўзга ташланади. Биринчиси — адолатли қонунлар. Иккинчиси — кучли иқтисодий сиёсат. Шундай бўлиши табиий. Чунки қонунлар мукаммал бўлмас экан, иқтисодиёт ривожланмайди. Шу боис мустақилликнинг илк давриданоқ мамлакатимизда янги иқтисодий сиёсатнинг ҳуқуқий заминини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилди. Бунинг учун биргина тадбиркорлик соҳасига оид ислоҳотлар доирасида қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорларга назар ташлашнинг ўзи кифоя**

**Х.ЖАЛИЛОВ,**
Тошкент вилояти хўжалик суди раиси

Босқичма-босқичликка асосланган ушбу сиёсат тез орада самара бера бошлади. Бу эса ишбилармонлик фаолиятининг кенг ёйилиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатига ижобий таъсир кўрсатди. Тадбиркорнинг иш бошлаши, яъни рўйхатдан ўтиши, ер-жой олиши, маблағ зарур бўлганда кредит билан таъминланиши енгиллаштириб борилиши баробарида ҳуқуқий ҳимояси ҳам мунтазам кучайтирилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майда эълон қилинган «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўрисида»ги фармони фикримиз тасдиғидир. Мазкур тарихий ҳужжат асосида соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, жумладан, хусусий тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда судларнинг ролини ошириш, маъмурий ва жиноят қонунчилигини янада либераллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Шу йилнинг 20 августида эса «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Янаям аниқ қилиб айтганда, тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга оид қирқдан зиёд қонун ҳужжатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик қилганлик, ноқонуний аралашганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлиги кучайтирилди, суд органларининг масъулияти янада оширилди. Жумладан, ХПКнинг қатор моддалари, 116, 122 ва 125-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Натижада хўжалик судлари томонидан даъво аризасини кўриб чиқишга қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқариш муддати 10 кундан 5 кунгача камайтирилди. Давлат органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш, мансабдор шахснинг шундай ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилув қарори қабул қилиш муддати 30 кундан 15 кунга қисқартирилди.

Шунингдек, Хўжалик процессуал кодекси «Корпоратив низолар бўйича иш юритиш» деб номланган янги $20^{4}$-боб билан тўлдирилди ва хўжалик судларига тегишли ишлар доираси кенгайтирилиб, корпоратив низолар ҳам мазкур судлар томонидан кўриб чиқиладиган бўлди. Мазкур йўналишда ягона суд амалиётини шакллантириш имконияти яратилди. Хўжалик судларига даъвони таъминлаш чораси сифатида давлат органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг низолашилаётган ҳужжати ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи берилди. Бундан ташқари, кассация инстанцияси суди ишларни кўришда қуйи судлар томонидан фақатгина процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги аниқланган тақдирдагина суд ҳужжатини бекор қилиш ҳамда ишни тегишли инстанция судига янгидан кўриш учун юбориш мумкинлиги ҳам белгиланди ва низоларнинг судда узоқ вақт мобайнида кўриш амалиётига чек қўйилди.

Мазкур қонун асосида Солиқ кодексининг тегишли моддаларига ҳам бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Уларга биноан тайинланган молиявий жарималарни тўлиқ ёки қисман қўшиш орқали солиққа оид ҳуқуқбузарликлар мажмуи бўйича қўлланилиши, жариманинг миқдори ҳуқуқбузарлик учун белгиланган жариманинг энг кўп миқдоридан ошиши мумкин эмаслиги аниқ белгилаб қўйилди.

Қўлланиладиган молиявий санкция ҳуқуқбузарлик оқибатларига номутаносиб бўлса ҳамда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар аниқланса, шунингдек, ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволи ночор бўлса, судларга молиявий санкциянинг Солиқ кодексида белгиланган энг кам даражасидан ҳам камроқ, бироқ белгиланган санкция энг кам миқдорининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, сабабини кўрсатган ҳолда молиявий санкция қўллаш ваколати берилди.

Кирим қилинмаган товарлар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш ёки жиноят иши доирасида давлат даромадига ўтказилган ҳолларда, Солиқ кодекси 114-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган молиявий санкция қўлланилмайдиган бўлди.

Солиқ кодекси 330-моддасига киритилган қўшимчаларга кўра, мулкдорлар — хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида давлат органлари ва бошқа органларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳақидаги ишлар юзасидан, шунингдек, аризачи ва жавобгар — ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича хўжалик судларида давлат божини тўлашдан бутунлай озод қилингани эса мулкдор ва тадбиркорлар учун яна бир катта имконият бўлди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зид бўлган ҳуқуқбузарлик, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги моддаларнинг Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар алоҳида бобларига киритилиши хусусий мулкни ҳимоя қилишни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлашга мустаҳкам замин яратди.

Хулоса қилиб айтганда, қонун ҳужжатларига киритилган бу ўзгартиш ва қўшимчалар тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилиш, улар фаолиятига тўсиқ бўлаётган ҳолатларни бартараф этиш ва янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

## ЮТУҚЛАРГА ЎЗ-ЎЗИДАН ЭРИШИЛМАЯПТИ

**Биз эзгуликни ҳаётий аъмол деб билган миллатмиз. Ҳар доим олдимизга ёруғ мақсадларни қўямиз. Бу йўлда учраган машаққатларни сабот ва матонат билан енгиб ўтиш бизга отамерос, бобомерос удум. «Ҳар бир амал ниятга яраша бўлади», деганларидек мудом юксакликни забт этиб келмоқдамиз. Ана шу матонат боис барча жабҳаларда дунё ҳавас қилса арзигулик тараққиётга муяссар бўлдик. Бунинг учун қанча шукрона айтсак шунча оз. Хўш, бунга эришиш осонгина кечганми? Ўз-ўзидан қўлга киритилганми шунча ютуқлар?**

Инсон ҳаёти синовларга бой. Бир синовни енгиб ўтса, изидан иккинчиси шай туради. Миллатлар, мамлакатлар ҳаёти ҳам шунга монанд. Мустақилликка эришганимиздан кейин уни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўлини белгилаб олиши, дунё ҳамжамиятида муносиб мавқега эга бўлмоқ сингари вазифалар кун тартибига қўйилди. Истиқлолимиз меъмори асос солган тараққиётнинг «ўзбек модели» туфайли бу вазифаларни босқичма-босқич амалга ошира бордик. Янгидан-янги марраларни забт этдик. Тенглар ичра тенг бўлдик.

Муваффақиятларга эришаётганингда барча бирдай хайрихоҳ бўлавермаслиги кундай равшан. Мустақилликка таҳдид солишга уринган диний экстремизм, ёш авлод онгини заҳарлаш тараддудида бўлган ақидапарастлик, халқимизнинг осойишта ҳаётига раҳна солишни мақсад қилган халқаро терроризм... Бундай қутқулар гирдобидан соғ-омон чиқишнинг ўзи бўладими ахир?! Мустақил тараққиёт стратегиясини тўғри белгилаган Юртбошимиз раҳнамолигида буюк келажак сари оқ кўнгил, пок ният билан интилган ватанпарвар, фидойи халқимиз бу каби синовларни муваффақият билан енгиб ўта билди.

Дунёнинг кўплаб мамлакатлари иқтисодий бўҳрон асоратлари билан курашаётган бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида янгидан-янги ютуқларни қўлга киритаётир. Аҳолининг турмуш фаровонлиги тобора юксалиб бормоқда. Истиқлол йилларида иқтисодиётимиз 5,5 карра ўсгани, аҳолининг реал даромадлари жон бошига 9 марта кўпайгани бунга ёрқин далил бўла олади. Бундай кўрсаткичга эришишимизнинг асосий сабаби нимада? Биринчи навбатда, тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилганида. Мустақиллик йилларида соҳага доир ишлаб чиқилган қонун ва қонуности ҳужжатлари ишбилармонлик ривожи учун ҳуқуқий асос бўлгани аён. Кичик бизнес ривожланиб, мулкдорлар қатлами шаклланганн ана шунинг натижаси. Мулкдорларда жамият равнақи учун куйиниш, Ватан ва миллат манфаатини устувор билиш ҳисси кучаяётгани, айниқса, муҳимдир.

Ўзбекистонда тадбиркорларга нечоғлик кенг ҳуқуқ ва эркинликлар берилаётганини бугунги кунда бутун дунё эътироф этмоқда. Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимда: «Конституциямизда муҳрлаб қўйилган хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, унинг йўлида ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётимизда давлат ҳиссасини асосланган даражага қадар қисқартиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётганини барчамиз чуқур англаб олишимиз зарур», дея таъкидлагани ҳам ушбу соҳага кўрсатилаётган эътиборнинг микёсини англаш имконини беради.

Бугун, таъбир жоиз бўлса, юртимизни улкан бунёдкорлик майдонига қиёслаш мумкин. Бош кентимиз — Тошкентни бир ҳафта кўрмаган одам кейинги келганида таниёлмай қоляпти. Янгидан-янги иншоотлар, турар-жой бинолари шаҳарнинг кўркига кўрк қўшяпти. Собиқ шўролар замонида шундай ободликни тасаввур этиб бўлармиди? Ўша кезлари катта меҳнат ва заҳмат эвазига барпо қилинган хўжалик боғинининг пахта майдонига қўшиб юборилганини эслаб ўртанган андижонлик нуроний Туйғун Мусаев мустақилликнинг қадрига етишимиз нечоғлик зарур эканини такрорлашдан чарчамайди:

— Йўллар-у кўприклар қуриш борасида бунёдкорларимиз катта маҳорат кўрсатишди. Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллиги арафасида Тошкентнинг Себзор даҳасида қурилган замонавий кўприкни кўрган одамнинг дили яйрайди. Халқимиз учун яратилган бундай имкониятлардан қувонмай бўладими ахир! Бунга ўз-ўзидан эришилмагани аён-ку!

Ободончилик нафақат пойтахт, балки бутун мамлакат микёсида тобора кенг тус олмоқда. Чекка-чекка ҳудудларда ҳам аҳоли учун ҳар томонлама қулай, замон талаблари даражасидаги намунавий уйлар барпо этилаётир. Кекса отахонлар, онахонлар билан суҳбатлашсангиз, бу ишлардан қанчалар шод эканига гувоҳ бўласиз. «Уруш замонларини, кўп қийинчилиг-у машаққатларни кўрдик. Болаларимизнинг бошига ҳеч қачон бундай кунлар тушмасин. Бугунгидек обод даврда яшаш насиб этгани учун Яратганга кўп-кўп шукроналар айтаман», дейди биз билан суҳбатда табаррук ёшни қаршилаган тошкентлик нуроний Йўлчи ота Шарипов.

Мамлакатимизда ёшларга юксак эътибор кўрсатиш баробарида кексаларга ҳурмат борасида ҳам эътиборга молик ишлар қилинмоқда. Жорий йилнинг муҳтарам Юртбошимиз томонидан Кексаларни эъзозлаш йили деб номланганиёқ бунинг ёрқин исботидир. Бу борада қабул қилинган Давлат дастури, амалга оширилаётган кенг миқёсдаги тадбирлар одамларда бугунги кундан мамнунлик ва эртанги кунга ишонч туйғусини мустаҳкамламоқда.

Ўзбекистон – кўп миллатли аҳоли истиқомат қиладиган ўзига хос мамлакат. Турли миллат ва элатлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик – ютуқларимиз гаровидир. Мустақиллик йилларида юртимизда яшайдиган барча миллат ва элат вакилларида «Ўзбекистон — ягона Ватан» деган туйғунинг шаклланганн, юртимизнинг буюк келажагига бўлган ишончнинг ортиб бораётгани энг катта муваффақиятларимиздандир. Табиийки, бунга осонгина эришиб қолганимиз йўқ.

Ютуқларимиз саноқсиз экани шубҳасиз. Бироқ қўлга киритилган муваффақият қанчалик улкан ва нечоғлик салмоқли бўлмасин, бу билан кифояланиб қолмаслигимиз керак. Бу муваффақиятларни янгилари билан мунтазам равишда бойитиб бориш, янгидан-янги марралар сари интилиш ҳар биримизнинг вазифамиздир. Буни ҳеч қачон ёддан чиқармаслигимиз зарур.

Қарийб чорак аср бўлди мустақил ўзбек давлати жаҳон ҳамжамиятида ўз сўзини айтаётганига. Ўзбекнинг фикри, ўзбекнинг сўзи дунё минбарларида баралла янграётгани кўнглимизга фахр-ифтихор бағишлайди. Кўксимизни тоғдай кўтаради. Ана шу ифтихор туйғуси бизни ҳеч вақт тарк этмасин.

**Абдуғани СУЛАЙМОН.**



## ЙИРОҚ-ЯҚИН МАНЗИЛЛАР

**бўйлаб самарали йўлга қўйилган транспорт ҳаракати мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда**

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан «Мустақиллик йилларида автотранспорт соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ва эришилган ютуқлар» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда журналистларга автотранспорт соҳасига оид давлат сиёсатини амалга ошириш, хизмат кўрсатиш бозорини янада ривожлантириш, шунингдек, автомобиль ва дарё транспортида хавфсизликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида батафсил ахборот берилди.

— Бугунги кунда йўловчи ва юк ташиш билан шуғулланадиган автокорхоналар сони қарийб 5000 тага етди, — деди агентлик ахборот хизмати раҳбари Н.Асриддинов. — 1990 йилда улар атиги 265 та эди. Юк айланмаси ҳажми эса 5,3 баробарга кўпайди.

Таъкидланишича, айни пайтда 4344 та, жумладан, 1013 та шаҳар, 2691 та шаҳар атрофи ва 640 та шаҳарлараро йўналишда йўловчиларга хизмат кўрсатилмоқда. Транспорт воситалари мунтазам янгиланиб турибди. Биргина жорий йилнинг биринчи ярмида Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган «Исузу» русумли 175 та автобус лизинг ва банк кредитлари эвазига харид қилинди. Бундан ташқари, 247 та юк автомобили, 62 та микроавтобус ва 322 та енгил автомобиль сотиб олинди. Автотранспорт тармоғига йўналтирилган инвестициялар умумий ҳажми 77,6 миллиард сўмни ташкил қилди.

Юртимиз автоташувчиларининг хорижий давлатлар ҳудудлари бўйлаб эркин ҳаракат қилишлари учун ҳуқуқий асос яратиш мақсадида Ўзбекистон автомобилда ташишлар соҳасидаги 9 та халқаро конвенцияга қўшилди ва иккита халқаро битимни имзолади. 320 дан ортиқ ташувчи корхона бундай фаолиятни амалга ошириш лицензиясига эга бўлди.

Худди шунингдек, мамлакатимизда йўл инфратузилмаларини жаҳон андозалари даражасига етказиш бўйича ҳам тегишли ишлар олиб борилмоқда. Транзит ўтувчи автотранспорт воситаларига янада қулай шарт-шароит яратиш мақсадида замонавий кемпинглар, ёнилғи қуйиш шохобчалари, меҳмонхоналар ва бошқа сервис объектлари ишга туширилаяпти.

Анжуман якунида мутасаддилар мухбирларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтардилар.

**Фахриддин НУРАЛИЕВ.**

# Миллий бизнеснинг ўзига хос шакли

**Оилавий тадбиркорлик хонадонларимиз фаровонлиги ва тўкинлигини белгиловчи даромад манбаига айланмоқда**



**Акром АЛИМОВ,**
Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази директори

Аслида тадбиркорликнинг ушбу йўналиши асрлар давомида равнақ топиб келган. Унинг илдизлари қадим замонларга бориб тақалади. Аммо оила тўкинлигини таъминловчи бундай бизнес шакли собиқ тузум даврида салкам жиноят турига, минглаб қўли гул ҳунармандлар, устазодалар эса жамият учун ёт унсурларга айлантирилганди.

Мустақиллик шарофати билан миллий қадриятларимиз, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ҳам қадр топди. Президентимиз раҳнамолигида мазкур соҳага алоҳида эътибор қаратилаётгани боис, у кундан-кунга ривожланиб, иқтисодиётимизнинг муҳим бўғинларидан бирига айланиб бормоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мамлакат тарққиётининг стратегик омилларидан саналади. Айниқса, сўнгги йилларда юртимизда бизнеснинг бу йўналишини рағбатлантириш мақсадида кўплаб қонун ҳужжатлари қайта кўриб чиқилиб, уларга зарурий ўзгартиришлар киритилди. Шу билан бир вақтда рақобат шароитида бозор муносабатлари шартларини ўзида жамловчи янги қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини янада кучайтириш орқали янги иш жойларини ташкил этишга қаратилган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун шулар жумласидандир. Мазкур қонун шарофати билан минглаб оилалар турмуш шароити яхшиланишига мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилди. Хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, унинг чет эл капитали иштирокидаги улушини изчил ошириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эса мазкур соҳани янада тараққий эттириш ҳамда иқтисодиётимизнинг чинакам локомотивига айланишига хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

Мустақилликка қадар мамлакатимизда умуман мавжуд бўлмаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоиздан ортиғини ишлаб чиқараётгани, мазкур тармоқда иш билан банд жами аҳолининг 75-77 фоизи меҳнат қилаётгани мулкдорлар синфининг жамият таянчига айланиб бораётганининг яққол далилидир.

Мамлакатимизда тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлашга бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари, жумладан, бизнинг марказимиз ҳам бор имкониятини сафарбар этаётир.

Давлат сиёсати даражасига кўтарилган вазифани амалга оширишда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Савдо-саноат палатаси, «Агробанк», «Микрокредитбанк», «Инфинбанк» акциядорлик-тижорат банклари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Uzbek Leasing International A.O.» қўшма корхонаси, Ўзбекистон бизнес инкубаторлари ва технопарклари ассоциацияси билан ўзаро ҳамкорликка оид қўшма қарор қабул қилганмиз.

Оилавий тадбиркорликнинг афзалликларини аҳолига етказиш, шунингдек, бевосита оилавий корхона ташкил этиш ва юритишга алоқадор барча тузилмалар билан биргаликда тарғибот-тушунтириш ишларини янада кенгайтириш, миллий бизнеснинг янги шаклини бошламоқчи бўлганларга индивидуал ёндашиш, оилавий тадбиркорликка татбиқ этиш мумкин бўлган илғор тажриба ва инновацияларни оммалаштириш, янгидан фаолият бошламоқчи бўлганларга мавжуд имтиёз ва преференциялар хусусида тушунча бериш, амалий кўмаклашиш мақсадида «Мулкдор оила» лойиҳасини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

Маълумки, республикамизнинг барча ҳудудларида, биринчи галда, чекка жойларда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда етарлича эътибор қаратилмаётган ресурсларни ҳаракатга келтириш, соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг ечими юзасидан асосланган тавсиялар тайёрлаш ушбу лойиҳанинг бош мақсадидир. Шу боис унинг жойларда қандай амалга оширилаётганини имкон даражасида ўрганишга ҳаракат қилаяпмиз. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг «Оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, халқ ҳунармандчилиги ва бошқа тадбиркорлик фаолияти турларини, айниқса, қишлоқ жойларида ривожлантиришга кўмаклашиш» давлат гранти асосида «Мулкдор оила» лойиҳасининг Тошкент вилояти ҳудудларида қандай самара бераётганини ўрганиш жараёнида бир қатор амалий таклифлар тайёрладик. Жорий йилнинг май-июль ойларида мазкур лойиҳанинг туман босқичида деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликларга асосланган оилавий тадбиркорлик субъектлари ҳамда ўз бизнесини бошламоқчи бўлган 200 дан ортиқ талабгор иштирок этди. Уларнинг 80 нафари 30 дан зиёд йўналишда лойиҳанинг вилоят босқичида қатнашиш имкониятини қўлга киритди. Умумий қиймати 1 млрд. 891,1 млн. сўмлик бизнес-режаларни молиялаштириш мақсадга мувофиқ топилди. Ғоялар муаллифларига имтиёзли банк кредити олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Мухтасар айтганда, миллий бизнесига жадал кириб келаётган оилавий тадбиркорликнинг амалий самараси юқоридаги қисқача мисолларда яққол кўзга ташланиб турибди. Уларнинг қамровини янада кенгайтириш эса барча ҳамкор ташкилотлар, жумладан, бизнинг марказимиз олдида турган энг муҳим вазифадир.

**O`zLiDeP демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, либерал иқтисодиёт ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувлик, халқ фаровонлигини таъминлаш мақсадларига эришиш сари изчил ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторига кириши, халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаши ҳам партия фаолиятининг устувор йўналишлари саналади**

## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ФАОЛИЯТИ:

# ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ТАҚҚОС

**Азамат СЕИТОВ,**
O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Халқаро ҳамкорлик масалалари бўлими мудири

Бу жараёнда қонунчилик, биринчи навбатда, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик фаолияти ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, давлат ва назорат қилувчи органларнинг хусусий сектор субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашувига чек қўйишга қаратилган ҳужжатлар ижроси ҳамда партия Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши устидан самарали назоратни ўрнатиш муҳим механизмлардан биридир.

O`zLiDeP томонидан қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан амалга оширилаётган назоратнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида сиёсий партияларнинг назорат-таҳлил фаолияти (СПНТФ) борасидаги хориж тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Албатта, сиёсий партиялар назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширишда ўз аъзоларига таянади. Чунки улар фуқаролик позицияси ва фаоллиги орқали у ёки бу соҳада ҳокимият фаолияти устидан тизимли назоратни йўлга қўйишда ҳар томонлама кўмаклашади.

Айни пайтда икки муҳим жиҳатга эътиборингизни қаратамиз. Биринчидан, депутатлик корпусида бўлгани каби, сиёсий партияларнинг назорат-таҳлил фаолияти кўп жиҳатдан ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш билан боғлиқ. Боиси, ана шу ўрганиш натижалари кейинчалик партиядан сайланган депутатларга йўлланади, ўз навбатида, депутатлар бу маълумотлардан парламентдаги фаолиятида фойдаланади.

Иккинчидан, партиялар жамиятда умумқабул қилинган, шу жумладан, қонунларда ўз аксини топмаган маънавий-ахлоқий меъёрларга риоя этилиши, масалан, ижтимоий адолатнинг бузилиши, масъулиятсизлик, ватанпарварлик руҳида ҳаракат қилмаслик, яширин камситиш ҳолатлари ва ҳоказолар устидан ҳам назоратни амалга ошириши мумкин. Бундай ҳоллар бир қарашда қонун бузилиши сифатида қабул қилинмаса-да, назорат-таҳлил фаолиятининг натижалари оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчилик эътиборига етказилади ва шу орқали бундай ҳолларга чек қўйилади.

Яна бир бор такрорлаш жоизки, ушбу мақола кўпроқ сиёсий партияларнинг назорат-таҳлил фаолиятига алоқадор. Айнан ижтимоий фаол аъзолар, аввало, қуйи ташкилотлар таркиби ўз сиёсий партияларининг ҳар томонлама кўмаги билан етарлича тайёргарлик ва ижтимоий экспертиза кўникмаларига эга бўлган ҳолда назоратни тўлиқ ҳажмда бўлмаса-да, унинг алоҳида йўналишларини бажаришга қодир.

Партия назорати долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, давлат бошқарувига коррупция каби турли салбий ҳолатлар сингиб кетишига йўл қўймаслик учун жамоатчиликнинг ҳокимиятга ўзига хос таъсири сифатида намоён бўлади. Хорижий адабиётлар таҳлили СПНТФ ташкил этишнинг қуйидаги механизмларини ажратиб кўрсатиш имконини беради:

биринчидан, партияларнинг назорат-таҳлил фаолияти асосан давлат органлари ишининг очиқлигига асосланади. Шу ўринда «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ижросини таъминлаш доирасида қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонунга эътибор қаратиш лозим.

Ушбу қонунда белгиланган нормалар жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига доир ахборотдан фойдаланиши учун кенг йўл очиб, давлат органлари фаолияти тўғрисида хабардор бўлиш ҳуқуқини кафолатлайди, давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган қарорлар учун масъулиятини кучайтиради, шунингдек, давлат органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни тарқатиш тартибини белгилайди.

Хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат органлари томонидан тақдим этиладиган ахборотни мониторинг қилиш методологияси қуйидагиларни ўз ичига олади:

— йўл қўйилиши мумкин бўлган салбий ҳолатларни кузатиш ва қайд этиш мақсадида давлат органи фаолияти тўғрисидаги тегишли ахборот жойлаштириладиган оммавий ахборот воситаларини мониторинг қилиш;

— йўл қўйилган қонунбузилишига ҳуқуқий ва сиёсий баҳо бериш мақсадида шунга ўхшаш салбий ҳолатларни таҳлил этиш, давлат ҳокимияти органи фаолиятини тартибга солувчи меъёрлар самарадорлигига баҳо бериш, бундай салбий ҳолатларнинг ижтимоий аҳамиятини (зиёнини) баҳолаш;

— жойларда амалга оширилаётган ўзгаришларга доир кенгроқ тасаввурга эга бўлиш, бу жараёнда ўрганилаётган давлат ҳокимияти органининг ўрни ва иштирокини ўрганиш, қонунбузилиш жойлари, йўллари ва бунга шароит яратувчи имкониятларни ўрганиш мақсадида экспертлар билан интервью ташкиллаштириш;

— ўтказилган таҳлил натижаларига аниқлик киритиш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан ахборот алмашиш;

— давлат ҳокимияти органини ўрганиш натижаларини партия ОАВида эълон қилиш.

Иккинчидан, янги ахборот-коммуникация технологияларидан (АКТ) фойдаланиш. Партия назоратини ташкил этиш мақсадида АКТдан фойдаланишга интернетдаги сайтини мисол қилиб келтириш мумкин. Сайт партия фаоллари, ОАВ, тадқиқотчи ва сиёсатчилар учун мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича батафсил ахборот олиш манбаи бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам давлат ҳокимияти институтлари ва органларининг расмий веб-сайтлари уларнинг фаолияти ва қабул қилаётган қарорлари тўғрисидаги ахборотнинг асосий манбаларидан бирига айланмоқда. Ахборот излаш ва унга ишлов бериш технологиялари ушбу органлар ва ташкилотлар фаолиятига доир партиявий экспертиза ўтказишга талаб этиладиган вақт сарфини қисқартириш ва таҳлил сифатини ошириш имконини бермоқда.

Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда партия назоратини такомиллаштиришнинг иккита ахборот-технологик йўналишини ажратиш мумкин. Биринчиси — интернет тармоғидаги ахборотни излаш ва унга ишлов беришга мўлжалланган АКТни ишлаб чиқиш ва бундай технологиялар билан O`zLiDeP ҳудудий кенгашларини таъминлаш.

Иккинчи йўналиш – жойлардаги партия ташкилотлари томонидан ҳокимият органларининг расмий сайтлари аҳволи ва уларда жойлаштирилган ахборотнинг тизимли мониторингини амалга ошириш. Аслида бундай партиявий мониторинг жамоатчилик назоратининг йўналишларидан бири саналади. Дарвоқе, партия www.uzlidep.uz ахборот порталини фаол ривожлантириб келмоқда. Чунки сайтнинг самарали ишлаши партия тўғрисидаги маълумотларни жамоатчиликка етказиш механизмлари самарадорлигини кучайтиради.

Учинчидан, партия назорати ҳокимиятнинг меъёрий-ҳуқуқий фаолияти устидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Унинг натижалари эса парламентдаги фракцияга кўмаклашиш мақсадида тақдим этилади. Бу каби назорат давомида жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг амалдаги қонунларга мувофиқлиги партиявий экспертизадан ўтказилади. Айни пайтда партиявий экспертизани миллий қонунчиликда белгиланган ваколатли ҳокимият органлари томонидан амалга ошириладиган расмий экспертизага тенглаштириб бўлмайди.

Партиявий экспертизани ҳокимият органлари томонидан қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга баҳо беришдан иборат бўлган жамоатчилик назоратининг амалдаги кўриниши сифатида изоҳлаш мумкин. Бу механизм меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар экспертизаси жараёнига юқори малакали мутахассислар ва хусусий сектор вакилларини кенг жалб қилиш имконини беради.

Партиявий экспертизанинг шундай тизимини яратиш мақсадга мувофиқки, мазкур жараён иштирокчилари – жамоат ва нодавлат ташкилотлар ҳамда улар томонидан таклиф этилаётган мутахассислар қонуности ҳужжатларини ва уларнинг лойиҳаларини аввало ўзларига алоқадор бўлган соҳадан келиб чиқиб таҳлил этсин. Масалан, жойлардаги ҳокимият органларининг солиқ соҳасидаги қонуности ҳужжатларини биринчи навбатда хусусий мулкдорлар ва тадбиркорлар таҳлилдан ўтказсин. Бундай ёндашув, фикримизча, меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида экспертларнинг тажрибаси ва назарий билимларидан фойдаланиш билан бир қаторда муайян соҳада фаолият юритувчи одамларнинг касбий кўникмаларини ишга солиш орқали партиявий экспертиза сифатини ошириш имконини беради.

Партиявий экспертизани амалга оширишда кўпроқ қабул қилинаётган қарорлар лойиҳаларига баҳо беришга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Чунки бу ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятига огоҳлантирувчи таъсир кўрсатади. Айни пайтда лойиҳаларни коррупцияга қарши кураш нуқтаи назаридан синчковлик билан ўрганиш лозим. Зеро, айнан қонуности ҳужжатлари коррупциявий муносабатларга кўмаклашувчи шарт-шароит яратиши мумкинлигини унутмаслик даркор.

Бугунги кунда O`zLiDeP юқорида кўрсатилган ёндашувни ўзининг кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерликни жадал ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини чеклаётган муаммоларни мунтазам ўрганиб бориш ва камчиликларни бартараф этишга доир амалий таклифлар ишлаб чиқишга қаратилган «Тадбиркорлар ва фермерлар форуми» лойиҳаси доирасида жорий этмоқда.

Ҳар йили республика бўйлаб тадбиркорлик ва фермерлик соҳасидаги долзарб мавзуларга бағишланган элликка яқин очиқ амалий мулоқот ташкил этилмоқда. Тадбирларда партия электорати вакиллари, соҳанинг илғор мутахассислари ва экспертлари, тегишли ташкилотлар ходимлари фаол иштирок этмоқда. Ўртага ташланган амалий таклифлар ва ташаббуслар тегишли идоралар ва партиянинг парламентдаги фракциясига етказилиб, уларнинг қонунчилик фаолиятида инобатга олинмоқда. Жумладан, ўтган йили икки юзга яқин шундай таклиф O`zLiDeP фракциясининг қонун лойиҳаларини кўриб чиқишдаги позициясини шакллантиришда қўл келди.

Масалан, «O`zLiDeP Сайловолди дастурида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари» мавзусида ўтказилган форумда таъкидланганидек, тадбиркорлик, фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш Сайловолди дастуримизда белгиланган устувор вазифалардан бири бўлиб, мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш ва рақобатбардошлигини таъминлашда ҳаракатлантирувчи куч бўлган мулкдорлар ўрта синфини янада рағбатлантиришда муҳим ўрин тутади.

Унда фермерлар бу борада қабул қилинган қонунлар, Президентимизнинг фармон ва қарорлари, давлат дастурлари ижросини таъминлаш соҳа учун муҳим аҳамият касб этишини қайд этди. Шу муносабат билан тадбиркорликни ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини янада жадаллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш доирасида O`zLiDeP қуйи бўғинлари томонидан 9,5 минг нафардан ортиқ тадбиркор ва фермер иштирок этган 160 тадбир ўтказилиб, партия фракциясига саккиз юзга яқин амалий таклиф тақдим этилди.

Тўртинчидан, СПНТФнинг мураккаб усулларидан бири сайланмайдиган давлат лавозимларини танлов асосида тўлдириш устидан назоратдир. Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ этишда бугунги кунда жаҳонда кузатилаётган муҳим тенденциялар — давлат лавозимларига тайинлашда субъектив сабабларга асосланган протекционизм (бошқача қилиб айтганда, таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчилик) ўрнига номзоднинг касбий фазилатларини устун қўйишдан иборат. Бу ёндашув хизмат пиллапоясида кўтаришда номзодларни профессионал танлов асосида саралашда ўз аксини топмоқда. Жумладан, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси (7-модда) коррупциянинг олдини олиш чораси сифатида аъзо давлатларга «хизматчиларни ишга қабул қилиш, саралаш, хизмат бўйича кўтариш ва истеъфога чиқаришда... самарадорлик ва шаффофлик тамойилларига асосланган ҳамда ишнинг бенуқсонлиги, адолат ва қобилият каби объектив мезонларга асосланган тизимларни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш»ни тавсия этади.

O`zLiDeP ҳам ўз ички ташкилий-партиявий тизимини самарадорлик мезони асосида қуришга ҳаракат қилмоқда. Партия кадрлар захирасини шакллантириш ва бошқа ташкилий ишлар амалдаги қонунчилик, партия Низоми ва Дастури, Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси қарорлари асосида амалга оширилмоқда.

Бу ҳужжатларда O`zLiDeP кадрлар сиёсатининг асосий тамойиллари, яъни бу масалада бардавомлик ва тизимли янгиланиш уйғунлиги, кадрларни касбий, ишбилармонлик ва маънавий фазилатлар асосида саралаш масалалари белгиланган.

Хориж тажрибасини ўрганиш кўрсатганидек, давлат хизмати лавозимларини танлов асосида тўлдиришда тартиб ва малакавий талабларга риоя этилиши устидан партия назоратини ўрнатиш суиистеъмолчиликларни олдини олишда муҳим ўрин тутиши мумкин. Сиёсий партиялар томонидан бундай назоратни амалга оширишнинг меъёрий-ҳуқуқий ва ахборот шароитлари одатда давлат хизматида бўш турган лавозимни тўлдириш учун танлов ўтказишни тартибга солувчи ҳамда танлов ўтказиш тўғрисидаги ахборотни ва унинг натижаларини шу танловни ўтказаётган давлат органи веб-сайтида жойлаштиришни назарда тутувчи расман эълон қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланади.

*(давоми кейинги сонларда).*

# РЕКЛАМА ЎРНИДА

## ҒУЗОР ҚОВУНЛАРИ — ХОРИЖДА

**Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори хусусий сектор субъектлари экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, улар томонидан рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва хорижга чиқаришда молиявий, ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш борасидаги ишларни янги босқичга кўтарди. Бу борада Қашқадарё вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.**

**— Филиалимиз маҳаллий корхоналарнинг экспорт имкониятларини ўрганади, — дейди Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Қашқадарё вилоят худудий филиали раҳбари Мансур Назаров. — Жорий йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида 48 та корхонага жамғарма билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматларни намойиш этиш учун уч турдаги намунавий тижорат таклифи жўнатилди ва 41 тасидан мурожаатлар келиб тушди. Шулардан 21 тасига қарийб 9 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулотларни экспорт қилишда юридик, консультатив ва молиявий ёрдам кўрсатилди. 100 дан ортиқ тадбиркорга экспорт жараёни тўғрисида батафсил маълумот берилди. Экспорт лойиҳаларини амалга ошираётган тадбиркорларга хорижий мамлакатларнинг қонунчилигига мувофиқ зарур лицензиялар, рухсатномалар, сертификатлар олишда амалий кўмак берилди. Шунингдек, уларнинг халқаро тендер савдоларида иштирок этиши билан боғлиқ рўйхатдан ўтиш йиғимлари, бошқа тўловларни тўлаш, шартнома тузган корхоналарга янги маҳсулотни экспорт қилишни таъминлаган ҳолда нуфузли кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиши учун зарур маслаҳат ва молиявий мадад берилмоқда.**

**Жамғарма кўмагида Ғузор туманидаги «Жасмина Фрукт сервис» кўп тармоқли фермер хўжалиги 400 тонна қовунни хорижга сотиш бўйича 280 минг АҚШ доллари миқдорида шартнома имзолади ва маҳсулот экспорти амалга оширилди. Касби туманидаги «Касби Тинчлик Плюс» масъулияти чекланган жамиятига амалдаги қонунчиликда кўрсатилган меъёрлар бўйича тегишли ташкилотлардан ҳужжатлаштириш ишларига амалий ёрдам кўрсатилиб, 120 минг АҚШ доллари миқдорида шартнома имзоланишига эришилди. Китоб туманидаги «Вигет Импекс» фермер хўжалигига гилосни экспорт қилиш мақсадида 360 млн. сўмлик фоизсиз маблағ ажратиш режалаштирилмоқда. Натижада мазкур хўжалик хорижга 300 минг АҚШ доллари миқдорида мева (асосан узум маҳсулоти)ни экспортга чиқаради.**

**Амалга оширилган ишлар, консультатив, юридик хизматлар ва молиявий кўмак натижасида жорий йилнинг январь-август ойларида вилоятдаги 25 та корхонага жами 46 млн. 687,7 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни экспорт қилишда амалий ёрдам кўрсатилди.**

Хизматлар лицензияланган.

**Сайфулла ИКРОМОВ.**

## ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

**Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини экспорт қилиш ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани боис «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» белгиси қўйилган товарлар хориж бозорларига жадал кириб бораётир**

**Фахриддин НУРАЛИЕВ,**
«XXI asr»

Бунда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Хусусан, 2015 йилнинг 8 ойи мобайнида икки мингга яқин тадбиркорлик субъектига маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишда ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий хизматлар кўрсатилди.

Маълумотларга кўра, ўтаётган йилда 504 та хусусий корхона томонидан умумий қиймати 824 млн. долларга тенг маҳсулот ва хизматлар экспорт қилинган. Биргина август ойининг ўзида жамғарма кўмагида умумий қиймати 114 млн. долларлик маҳсулот хориж бозорларидан ўрин олган.

Бундай натижага эришиш учун тадбиркор, аввало, ташқи бозорни мукаммал ўрганиши зарур. Шу мақсадда жамғарма томонидан 131 та тадбиркорга хориждан ишончли ҳамкор топишда амалий ёрдам берилди. 228 та хусусий корхона раҳбарига халқаро кўргазма ва ярмаркалар, тендерларда қатнашиш имконияти яратилди. 145 нафар тадбиркорга экспорт шартномалари тузиш, уларни тегишли давлат органларига рўйхатга қўйиш, суғурта полиси орқали маҳсулотларни экспорт қилишда амалий ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатилди.

Жумладан, жамғарманинг Андижон филиали томонидан маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижга йўналтириш, харидорларни излаш, экспорт қилувчиларни эҳтимолли хавф-хатардан ҳимоя қилиш, уларга чет эл мамлакатлари қонунчилиги бўйича талаб этиладиган зарур лицензия ва сертификатлар олишда яқиндан кўмак бериб келинмоқда.

Натижада биргина жорий йилнинг август ойида вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жами 6,1 млн. долларга тенг маҳсулот экспорт қилишига эришилди. Хусусан, вилоятдаги иккита корхонанинг чет эл субъектлари билан тузилган жами 765 минг АҚШ долларига тенг экспорт шартномаларини тузиш ва божхона электрон тизими рўйхатидан ўтказишга амалий ёрдам берилди. Шунингдек, ўтган ойда филиалга мурожаат қилган И.Жўраев, А.Каримов ва бошқа хусусий тадбиркорларга экспорт қилиш имкониятлари тўғрисида атрофлича маълумотлар тақдим этилиб, консультатив ёрдам кўрсатилди ва уларга илк маротаба ўз маҳсулотларини чет элга сотиш учун имконият яратилди.

— Вилоятимиз ҳудудида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хорижда ўз харидорини топаётгани қувонарли, албатта. Жорий йилда биз ҳам экспорт ҳажмини янада кенгайтиришни мақсад қилаётган эдик. Бунда жамғарма томонидан берилган ёрдам жуда қўл келди, — дейди хусусий тадбиркор И.Жўраев. — Ҳамкорлик алоқаларимиз шу тарзда давом эттирилса, келажакда жуда катта натижаларга эришишимиз шак-шубҳасиздир.

Жамғарма филиали томонидан тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбиркорлар экспортига мунтазам кўмаклашиш, уларнинг муаммоларини тезкор равишда ҳал этиш мақсадида ҳудудларда доимий равишда давра суҳбатлари ташкил этилиб, тадбиркорлик фаолиятига оид муаммолар ва уларни ҳал қилишга оид маълумот ва тушунтиришлар бериб келинаётгани ҳам ўз самарасини бераётир. Хусусан, 25 август куни вилоят ҳокимлигида жамғарма ва бошқа ҳамкор ташкилотлар масъуллари иштирокидаги давра суҳбатида тадбиркорларнинг экспорт имкониятлари ўрганиб чиқилиб, доимий ҳамкорлик юзасидан махсус режа тузилгани маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни янги-янги марраларга руҳлантирди.

Хулоса қилиб айтганда, жамғарма томонидан амалга оширилаётган амалий ишлардан андижонлик тадбиркорлар мамнун. Бу эса ўз навбатида хусусий бизнес вакилларининг жамғарма фаолиятига қизиқишини орттириб, ҳудудда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишида муҳим омил бўлаётир.

*Хизматлар лицензияланган*

## Истеъмол бозорининг ишончли ҳимояси

**Маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини таъминлаш, ички бозорни истеъмолга яроқсиз товарлардан, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларидан ҳимоялаш дунё мамлакатларининг биринчи галдаги вазифаларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда айнан шу турдаги маҳсулотларнинг қарийб 96 фоизи маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётгани эса четдан ана шундай товарларнинг кириб келишига эҳтиёж қолдирмаяпти, десак муболаға бўлмайди**

**Абдуолим ЧАКАЛОВ,**
«Андижон синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси директори

Шаҳрихон туманидаги «Раш милк» МЧЖ раҳбари Улуғбек Мирзаевнинг таъкидлашича, корхонада 20 дан ортиқ турда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Уларнинг сифатли, истеъмолчилар учун манзур бўлишида марказимиз мутахассисларининг ҳиссаси катта бўлаяпти. Чунки тадбиркор маҳсулот ишлаб чиқарар экан, унга қўйилган стандарт талабларини билиши лозим. Акс ҳолда бозор талабларига жавоб бера олмай, мушкул вазиятга тушиб қолиши мумкин.

Ана шу талабдан келиб чиқиб, вилоятимизда сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган тадбиркорлар аввало истеъмолчилар манфаатини кўзлаб фаолият юритишаяпти. Синов ва сертификатлаштириш маркази мутахассислари бундай маҳсулотлар сифатига кафолат бермоқда. Бундан ташқари, истеъмол бозорида товарларга нисбатан рақобат муҳити кучайиб бораётгани ҳам бозорларимизни сифатли маҳсулотлар билан таъминлашда муҳим ўрин тутаётир. Яратиб берилаётган имконият ва имтиёзлардан самарали фойдаланаётган тадбиркорларимиз эса ўз маҳсулотлари билан нафақат ички эҳтиёжларини таъминлаш, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларига экспорт қилишга ҳам эришмоқдалар.

Айни пайтда «Андижон синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси қошида маҳсулотлар синовини ўтказадиган 2 та аккредитланган синов лабораторияси вилоятдаги 26 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектига хизмат кўрсатаяпти. Сўнгги йилларда аграр тармоқда кўп тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этилиб, маҳсулотларни қайта ишлаш йўлга қўйилгани эвазига ҳудуд ялпи ички маҳсулотида тадбиркорлар улуши қарийб 60 фоизни ташкил этаяпти.

Андижон шаҳри ҳамда вилоятимиз ҳудудларида жойлашган дўконларга кирган киши асосан ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга кўзи тушади ва уни ҳеч иккиланмай харид қилади. Боиси улар сифат жиҳатдан талабга тўла жавоб беради. Қолаверса, унинг ёрлиғида маҳсулот хусусиятлари ҳақидаги тўлиқ маълумот берилган.

Масалан, 2006 йилда ўз фаолиятини бошлаган «Асака Давр бутловчи» МЧЖ дастлаб Асака автомобиль заводи учун 4 турда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарган бўлса, ҳозирда корхонада «Матиз», «Нексия», «Спарк», «Ласетти» ва «Кобальт» русумли автомашиналар учун 43 турда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқараяпти. Айнан шундай маҳсулотларни автомобиль заводи илгари хориждан валютага сотиб оларди.

Юқорида таъкидланганидек, бундай маҳсулотлар сифатини аниқлаш марказимиз мутахассислари зиммасидадир. Шу боис йил сайин имкониятларимизни кенгайтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Масалан, 2012-2013 йилларда «Ўзстандарт» агентлигининг махсус жамғармаси ва марказнинг ўз маблағлари ҳисобига 283,9 миллион сўмдан зиёд бўлган 31 дона замонавий ўлчов воситаси сотиб олинди. Айни пайтда машинасозлик ва электротехника маҳсулотларини синаш мажмуасини ташкил этиш мақсадида иш олиб бораяпмиз. Истеъмолчилар ва товар ишлаб чиқарувчиларга янада қулайлик яратиш мақсадида ўтган йилдан бошлаб «Ишонч телефон»лари ташкил этдик. Интернет тармоғида корхонамизнинг веб-сайтини очганимиз ҳам аҳоли ва тадбиркорлар учун яна бир қулайлик яратди.

Соҳага замонавий техника ва технологияларнинг жалб этилаётгани мутахассисларимиздан ўз билимини мунтазам ошириб боришни талаб этаётир. Шу боис ўтган йили 10 нафар мутахассисимиз метрология, сертификатлаштириш ва сифат тизимини жорий этиш йўналишлари бўйича Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институтида малака оширишди. Эндиликда мутахассисларимизнинг хорижий давлатларда касбий малакасини оширишни режалаштираяпмиз.

*Хизматлар лицензияланган*

РЕКЛАМА

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

ASAKA BANK

**«Асака» банк**

***қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:***

| миллий валютада: | хорижий валютада: |
|---|---|
| **«БАРАКАЛИ»** Омонатнинг сақланиш муддати 6 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади. | **«ШОДИЁНА»** (АҚШ долларида) Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой. Ҳисобланган фоизлар 12 ой ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади. |
| **«БАҲОР»** Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади. | **«МАДАД»** (АҚШ долларида) Омонатнинг сақланиш муддати 3 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади. |
| **«ФАРОВОН ТУРМУШ»** Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат очилганда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади. | **«СТАБИЛЬНЫЙ-1»** (ЕВРОда) Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади. |
| **«ИМТИЁЗЛИ»** Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар бўйича тўловларга йўналтирилади. | |

**Шу билан бирга «Асака» банк қулай шартларда миллий ва хорижий валюталардаги 40 дан зиёд омонат турини таклиф этади.**
**Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.**
**Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| Филиаллар | Код | Телефон | Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 225-44-03 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 770-05-19 |
| Сергели филиали | 371 | 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 223-60-74 | Афросиёб филиали | 366 | 221-75-40 |
| Асака филиали | 374 | 233-21-99 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-96-63 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 224-00-16 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-19-80 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 542-61-01 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

**«Асака» банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.**

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган

РЕКЛАМА




O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Олий Мажлис Сенати аъзоси, Қашқадарё вилояти ҳокими Зафар Рўзиевга онаси **ҲАЛИМА АЯ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси жамоаси таҳририят мухбири Рисолат Мадиевага падари бузруквори **ҲАИТҚУЛ ОТА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ:** Озод РАЖАБОВ.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** XXI_ASR@mail.ru

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Буюртма рақами: S 3935 Тираж: 9777

Баҳоси келишилган нархда.

Топширилди — 20:00

**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**

**©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.**

**Реклама материалларига таҳририят жавобгар эмас.**

**Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.**

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

ISSN 2181-497X

**Навбатчилар: Б.ИСРОИЛОВ, Ш.РАҲИМОВ.**